Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

Адолат

1996 йил, 2 март, № 9 (48).

- ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
- СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА.
- Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партиясининг газетаси

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

29 февраль куни Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йилги якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Олий Мажлис қўмиталари раислари иштирок этди.



СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.

А. Тўраев олган суратлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастлабки самараларини бера бошлади, — деди Президент мажлисни очар экан. — Бу ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръатлари тўхтатилганида, пулнинг қадрсизланиш даражаси пасайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Шу маънода ўтган 1995 йил бурилиш йили бўлди дейишга ҳақлимиз. Бу халқимизнинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати самарасидир. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Жорий йилда олдимизда бундан ҳам улкан вазифалар турибди. Уларни бажариш учун ўтган йил якунларидан керакли хулосалар чиқаришимиз, иш фаолиятимизнинг заиф нуқталарини аниқлашимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излаб топмоғимиз зарур. Хусусан, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу — ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг неча фоизига харидор бор, кераксиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайдими, корхона ва хўжаликлар кишиларга қандай манбалар ҳисобидан маош тўлайди — шу каби саволларга олдиндан жавоб топмоқ демакдир. Шу ўринда айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани ҳолда ишловчилар сони асосан сақланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Уларга нима ҳисобидан маош тўланяпти?

Ҳар бир тармоқ, бирлашма, корхона раҳбарининг фаолиятига у юқоридаги каби масалаларни ҳал этишда нечоғлиқ билим ва қобилиятга эга эканига қараб баҳо беришимиз лозим. Бундай масалаларни ҳал этмаётган, ватанпарварлик ҳиссидан бегона, шу куним ўтса бўлди, дея боқимандалик кайфияти билан яшаётган айрим раҳбарлардан воз кечиш пайти етди. Шундай қилмасак, бозор талабини ўрганиб иш юритадиган, хорижий сармоядорларга Ўзбекистоннинг имкониятларини, халқимизнинг инсоф-диёнатли эканини тушунтирадиган, бу ерга сармоя қўйсанг, ҳеч қачон доғда қолмайсан, деган гапларни уларга уқтириб, инвестициялар олиб келадиган ташаббускор раҳбарларга таяниб ишламасак, иқтисодиётимизнинг муаммоларини ҳал этишимиз қийин кечади.

Долзарб масалалардан яна бири пул эмиссияси миқдорини камайтиришдир. Бунинг сабаби шундаки, жойларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, ихчам-ихчам корхоналар ташкил этиш, пулли хизмат кўрсатиш ишлари ниҳоятда сустакашлик билан амалга оширилаётир. Бу эса пул айланишини секинлаштирмоқда. Оқибатда айрим жойларда иш ҳақи вақтида тўланмаяпти. Бу масалага жиддий эътибор бериш, унинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий масала эканини англаб етмоқ зарур. Бу муаммоларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучи мавжудлигига бориб тақалади. Бу эса етиштирилаётган ҳосилнинг таннархи ортиб кетишига сабаб бўлаётир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Биз мана шу муаммони — икки миллиондан зиёд ишловчини қишлоқ хўжалигидан саноатга жалб этиш масаласини ҳал қилмас эканмиз, ислоҳотларни олға силжитиш қийин бўлади. Бунинг учун эса республика вазирликлари, идора ва ташкилотлари, ҳокимликлар хўжаликларга янги иш жойлари ташкил этишда амалий ёрдам беришлари керак. Хусусан, бу борада аниқ дастурлар ишлаб чиқиш, уларда бир ишчи ўрнини ташкил этиш қанча маблағ талаб этади, тузилган корхона қандай самара беради, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Чунки иш жойи бўлса, даромад ҳам бўлади, унинг эвазига мактаб ҳам, касалхона ҳам, спорт иншоотлари ҳам қурилади. Демоқчиманки, қишлоқ хўжалиги бўйича аниқ сиёсат ўтказилиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз назоратига олмоғи даркор. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг, деҳқонларнинг зарар кўрмаслигига эътибор бериш, уларнинг манфаатини қонун йўли билан ҳимоя қилиш одат тусига кириши зарур.

Кейинги йилларда юртимизда бир қанча ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида, шаҳар ва қишлоқларда юзлаб салобатли, кўркам бозорлар қурилди. Бу ҳаммамизни қувонтиради, албатта, деди Президент. Лекин давлат маблағи, халқимиз меҳнати эвазига қурилган бу бозорлар кимларнинг қўлига бериб қўйилмоқда? Уларда ҳозир ким ҳукмрон? Маҳсулот етиштирган деҳқонми ёки олибсотарларми? Бу масалаларни ҳам ҳокимлик ва ҳуқуқ идоралари ҳал этиши керак.

Хуллас, айтмоқчиманки, ҳар ким ўз жойида зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда қатъият билан ишлаши, юқоридан буйруқ ёки кўрсатма кутиб ўтирмаслиги зарур. Яқинда россиялик журналистлар билан учрашувда таъкидлаганимдек, ривожланган мамлакатларда шундай система қарор топганки, иқтисодий тармоқлар мустақил равишда ишлайверади. Уларни биров туртиб туриши шарт эмас. Биз ҳам ана шундай структура яратишимиз керак. Токи, иқтисодиётни қонун ва қарорлар бошқарсин. Зеро, республикада бу борада зарур қонунлар қабул қилинган. Улар бизнинг ютуғимиз. Таъбир жоиз бўлса, бойлигимиздир.

Ватанимизнинг гуллаб яшнаши учун, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳар биримиз дилимизга мана шу Ватан туйғусини жо қилиб, ўзимизни унга содиқ фарзанд, деб билиб, элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз керак, деди Президент пировардида. Ана шундагина биз кўзлаган мақсадларга эришамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажагини бунёд этиш ишига ҳисса қўшган бўламиз.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси У. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Чжен, шунингдек, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э. Ғаниев ва бошқалар сўзга чиқди.

Президент Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

●1996 йил—Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН ДЕЙДИКИ...

● Бир кун келадики, золим ўз бармоқларини тишлайди.

***

● Улкан мерос доимо улкан мухолифлик туғдиради.

***

● Ажал — қўрқоқларга баҳона.

***

● Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

***

● Билаги зўр — бирни йиқар, билим зўр — мингни.

***

● Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

***

● Бир кўчган — икки таланар.

***

● Бир таёқни синдирмоқ мумкин,
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас.

***

● Бир қинга икки қилич сиғмас.

● Бугун Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлганига 4 йил тўлди

БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАЯНЧИ

«...Туб ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги ортиб бораётганлиги кўриниб турибди. Айни шу пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда...».

И. А. КАРИМОВ.

Шу йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганига 4 йил тўлди.

Ҳа, тўрт йил — бу инсоният тарихи учун ғоят қисқа давр, аммо ўша давр ичида давлатимиз ўз тараққиёти йўлида жаҳон ҳамжамияти билан бирга фаолият олиб бориш имконияти ва ишончли тинчлик, хавфсизлик таянчига эга бўлди.

Ҳозирги кунда дунёдаги энг йирик ва нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти асримизнинг бошларида ташкил этилиб, лекин ўз фаолияти узоққа чўзилмаган Миллатлар Лигаси ўрнида, умумжаҳон хавфсизлигини таъминлай оладиган ташкилот сифатида вужудга келди.

Мазкур Ташкилотнинг дунёга келишининг етарлича шарт-шароитлари мавжуд эди. Яъни, БМТ инсониятга иснод бўлган фашимизга қарши кураш жараёнида ташкил топди.

Уруш офатларидан келгуси авлодларни холос этиш, инсон ҳуқуқларига ишончни қарор топтириш, адолат ва халқаро ҳуқуқларни ҳурмат қилишни таъминлаш ва ижтимоий тараққиётга ҳамда барча халқаро турмуш шароитини яхшилашга ёрдам бериш – бу ташкилотнинг асосий мақсади бўлди.

Тарихга бир назар ташлайлик. 1945 йил. Ғалабанинг дастлабки ойларида АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида чақирилган конференцияда ишлаб чиқилган БМТ Низомининг муқаддимасида юқорида келтирилган инсонпарвар сўзлар яққол ўз аксини топган. Бунда: **«Биз, Бирлашган Миллатларнинг халқлари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсининг қадр-қимматига, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда катта ва кичик миллатлар ҳуқуқи тенглигига ишончимизни яна бир карра тасдиқлаб, БМТ Низомини қабул қилишга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузишга азми қарор қилдик»**, — дейилган. Ўша даврдан бери ер куррасида кўп нарса ўзгариб, турли «ўзгаришлар»юз берди. Бироқ, бу сўзлар асримиз охирида ҳукм сураётган турли жамиятлар, ҳар хил дунёқарашлар ва жаҳоншумул муаммолар мавжуд бўлган бир пайтда ҳам ўз қадр-қиммати ва таъсирини йўқотгани йўқ. Яъни бу мақсадлар ҳозир ҳам БМТнинг асосий мақсадларидандир.

Жаҳон ҳамжамияти билан сиёсий, иқтисодий ва маънавий, соҳаларда тенг ҳамкорлик қилиш, ўз миллий қадриятларини дунёга танитиш ва жаҳон маданиятининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Ўзбекистон мазкур нуфузли ташкилотга аъзо бўлди.

Шубҳасиз, мамлакатимиз БМТ ва унга ихтисослаштирилган бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб киришида ва уларнинг таркибида фаолият юритишда халқаро ҳуқуқнинг бир неча нормалари ва давлатимиз Асосий Қонунида белгиланган қоидаларга таяниб, шулар асосида иш қуради.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида: **«...Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, Ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин»**, дейилган.

1992 йилнинг бошларига келиб Конституциямизнинг ушбу моддаси амалий равишда ҳаётга ўз аксини топди. 1992 йилнинг 1 январида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши раиси Д. Хэнней барча аъзолар номидан Ўзбекистонни БМТга аъзо бўлиб [illegible] кириши истагини билдирди ва бу масала бўйича таклиф киритди. 1992 йилнинг 29 январига келиб эса Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистонни БМТга аъзо қилиб олиш учун БМТнинг Бош Ассамблеясига тавсия этди. Шу тарзда, 1992 йил 2 мартда мамлакатимиз мазкур ташкилотга аъзо бўлди.

БМТ таркибидаги дастлабки давлатлар сони 51 та, 1968 йилга келиб 123 та бўлган бўлса, бугунга келиб унинг таркибида 190дан ортиқ давлат бор.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий географияси, масштаби кун сайин кенгайиб бормоқда, шу жумладан, халқаро тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт таянчи бўлган — БМТ билан бўлган муносабатлари ҳам.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, мамлакатимиз халқаро ҳамжамият марказига аъзо бўлганининг ҳуқуқий оқибатлари бўлиб қуйидагилар вужудга келди:

— **биринчидан,** Ўзбекистон ўз ички муаммоларини ҳал қилишида БМТга суяниш ҳуқуқига эга бўлди;

— **иккинчидан,** Ўзбекистон ўз давлатининг турли мураккаб масалаларини тезроқ ҳал қилиш учун ҳар йили БМТ Бош Ассамблеясининг сессияси кун тартибига киритиш имкониятига эга бўлди;

— **учинчидан,** ташқи хавф туғилганда кафолатли ҳимоя марказига эга бўлди.

Зеро, давлатимиз суверенитетининг энг муҳим кафилларидан бири бу — жаҳон ҳамжамиятининг ишончидир.

Музаффар МАҲМУДОВ,
«Адолат»нинг сиёсий шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ VI ПЛЕНУМИ

1996 йил 27 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши, ҳайъати ва котибият аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари бўлган бир гуруҳ Олий Мажлис депутатлари қатнашдилар.

Пленум кун тартибидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг бир йиллик фаолиятининг асосий якунлари ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан партиянинг вазифалари тўғрисидаги, корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва аъзолик бадалларини йиғиш юзасидан вилоят партия ташкилотларида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида Сирдарё ва Андижон вилоятлари партия Кенгашлари котибларининг ҳисоботлари, ташкилий масала ўрин олди.

Биринчи масала юзасидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов нутқ сўзлади. Шундан сўнг бир йўла Андижон вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Раҳмонберди Ортиқов, Сирдарё вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Олимжон Давиров ҳисобот бердилар.

Маъруза ва ҳисоботлар юзасидан бўлиб ўтган музокараларда Хоразм вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Маркс Бойимбетов, партия Сиёсий Кенгаши котиби, Тошкент юридик институти ректори, профессор Ҳалим Бобоев, Навоий вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Бобокатта Шодиев, Наманган вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Ҳакимжон Халилов, Тошкент шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби Одил Аҳмедов сўзга чиқишди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Шуҳрат Алиматов Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг ташкилий, таҳлиёт ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири этиб тайинланди. Шунингдек, Сиёсий Кенгаш биринчи котиби Турғунпўлат Даминов «Адолат» газетасининг таҳрир ҳайъати аъзолигига киритилди.

Бундан ташқари пленумда яқинлашиб келаётган Наврўз байрами, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган тадбирлар тасдиқланди.

Пленумда барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Акмал Қосимов қатнашди.

КАТТА ИШЛАР БЎСАҒАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ ТУРҒУНПЎЛАТ ДАМИНОВНИНГ ПАРТИЯ VI ПЛЕНУМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз партиядошлар!

Ҳурматли пленум қатнашчилари!

Бугунги пленумимиз партиядошлар ҳамда партиямизга хайрихоҳ бўлган юртдошларимиз учун эсда қоларли саноқли бўлган бир вақтда, яъни партиямизнинг бир йиллиги нишонланаётган кунларда ўтмоқда. Шу муносабат билан, яъни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топган куннинг бир йиллиги муносабати билан Сизларни қизғин ва самимий табриклайман, барчангизга олдимизга қўйилган мақсадларни амалга оширишда соғлиқ-саломатлик тилайман ҳамда партиямиз сафида туриб Ватанимиз равнақи, халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлидаги ишларингизга омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил этилганидан буён ўзига хос йўлни босиб ўтди ва халқимиз учун хайрли бўлган муайян ишларни амалга оширди ва бунга қаттиқ бел боғлаганини намоён этди. Маълумки, ўтган бир йил партиямиз учун ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиш вазифаларини амалга ошириш учун замин яратиш даври ҳам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Партиямиз карвони «Адолат» номи билан йўлга чиққан. «Адолат» кучли, куч эса адолатли бўлмоғи керак» деган партиямизнинг шиори ҳаммамизнинг кундалик фаолиятимизда дастуриламал бўлиб қолди. Юртбошимиз ҳам ўзининг ҳар бир нутқида халқ ҳамма нарсага чидаши мумкинлигини, аммо адолатсизликка асло чидай олмаслигини кўп марта таъкидлаб ўтмоқдалар. Шу сабабли ҳам бизнинг партиямиз олдида ижтимоий адолатсизликка қарши курашишдек жуда катта ва масъулиятли вазифа турибди.

Бугунги кунда кўпгина жойларда бўлгани каби қуйи партия ташкилотларимиз ҳам, Марказий аппарат ҳам, «Адолат» газетамиз ҳам бироз иқтисодий қийинчиликларни ўз бошидан кечирмоқда. Лекин шундай бўлсада, бир йил давомида қатор кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида, шаҳар ва туманларида партия Кенгашлари тўла фаолият кўрсатмоқда. Кўпгина партиямизга содиқ, фидойи кадрларимизнинг жонбозлиги сабабли корхона, хўжалик ва маҳаллаларда ҳам бошланғич партия ташкилотлари тузиш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳри, Сирдарё, Хоразм, Наманган, Жиззах вилоятлари Кенгашлари томонидан олиб борилаётган ҳаётий, амалий ишлар партиямиз фаолиятини жойларда жонлантириб юборди.

Ташкилий ишларимизни кучайтиришда бизга ҳар томонлама ёрдам бериб келаётган Сиёсий Кенгашимиз аъзоларини алоҳида миннатдорчилик билан тилга олиб ўтишни жоиз деб биламан: Акбархўжа Раҳимов, Абдували Ғуломмаҳмудов, Рустам Азимов, Алижон Юсупов, Мукаррамхон Азимова, Мусажон Исмоилов, Абдуллажон Абдуназаров, Йўлдош Худойберганов сингари сафдошларимиз шу кунга қадар партиямиз фаолиятини жонлантиришга яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Партиямиз сафларини мустаҳкамлаб, унинг мавқеини ошириш борасида фаол иш олиб бораётган сафдошларимизнинг ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиздир. Бу ютуқ ўз навбатида партиямизнинг обрўйини ҳам белгилайди. Партиямиз фаолларидан Тўхтамурод Жўраевнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти этиб сайланиши, Ҳалим Бобоевнинг Тошкент Давлат юридик институтига ректор этиб тайинланиши, Шуҳрат Бегматовни Қарши шаҳри ҳокими қилиб тайинланиши бизни беҳад қувонтирди. Партия Сиёсий Кенгаши ҳозирги пайтдаги айрим иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўзини-ўзи моддий жиҳатдан таъминлаш йўлларини ҳам излаб топмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати қошида илмий техника марказини очишга астойдил киришилди. Мазкур марказни очиш тўғрисида Сиёсий Кенгаш ҳайъати қарор ҳам қабул қилди. Марказнинг ташкилий тузилиши, хизмат кўрсатадиган соҳалари ишлаб чиқилди. Марказда ишлаш учун Тошкент техника университети ва Республика Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари жалб этилган.

Кўпгина вилоятларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш, аъзолар сафини кенгайтириш, аъзолик билетларини тарқатиш, шунингдек халқчил тадбирларни бот-бот ўтказиш каби ишлар яхши йўлга қўйилганлигини партиямиз нашри бўлган «Адолат» газетаси орқали хабардор бўлмоқдасизлар. Иқтисодий қийинчиликлар ва қоғоз танқислигига қарамай, «Адолат» газетаси ўқимишли бўлиб чиқмоқда. У тобора ўз ўқувчиларини топяпти. Материалларнинг ранг-баранглиги, таъсирчанлиги, теранлиги билан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини халқимиз онгига баралла етказмоқда ва ҳаётдаги ижтимоий адолатсизликларга, ноҳақликларга, иллатларга кескин курашмоқда.Худди шунингдек, молиявий қийинчиликларга қарамай Сиёсий Кенгаш Марказий аппаратида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Энг асосийси, Марказий аппарат ўз жойига эга бўлди. Айни вақтда бу ерда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Ҳар бир бўлимга алоҳида-алоҳида хоналар ажратилди. Бўлим мудирлари ҳамда бошқа кадрлар билан аппарат тизими мустаҳкамланмоқда. Бугунга келиб мафкура бўлими мудири, ташкилий, ва кадрлар бўлими, концелярия ва умумий бўлими, хўжалик ишлари ва бухгалтерия ишлаб турибди.

Ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишларимиз борасида яна бир қувончли томони шуки, партиямиз халқаро миқёсида ҳам эътироф этила бошланди. Жаҳон миқёсидаги нуфузли ташкилотлар, элчихоналар, дипломатия корпуслари ва партия ташкилотлари билан ўтказилаётган учрашувлар фикримизнинг исботидир.

Яқинда партиямиз Сиёсий Кенгашида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Руминия Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими жаноб Ион Попеску раҳбарлигидаги бу делегация Ўзбекистондаги

(Давоми 2-бетда).

● Қисқа сатрларда

ЧИМБОЙГА БАҲОР ҚАЙТДИ

● Экологик ночор минтақасида жойлашган Чимбой шаҳри аҳолисининг кўпдан кутган орзуси ушаладиган бўлди. Бу ерда 39-қурилиш-монтаж бошқармаси ерости шўр сувларини чиқариб ташлайдиган тизим мажмуини бунёд этди. Шаҳар ва унинг атрофидаги ўта шўрланган сизот сувлар туманлараро коллекторга оқизилиши натижасида Қорақалпоғистоннинг қадимий шаҳри — Чимбой илгаригидек яна боғ-роғларга бурканади.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН

● Андижон машинасозлик заводи фермерлар учун электр жорди ишлаб чиқаришга киришди. Кўчма ва ихчам бу машина ёрдамида макка донини уқалаш, донни ем қилиб тортиш мумкин. Бундан ташқари унинг мосламаларини алмаштириб, ёғочни қайта ишлашда фойдаланса ҳам бўлади.

ЧИҚИТ ҲАМ КОРГА ЯРАДИ

Тўрткўл шаҳридаги темир буюмлар заводида илгари чиқитга ташлаб юбориладиган иккиламчи металл қолдиқларидан турли буюмлар ишлаб чиқарила бошлади. Жумладан, Ибодулла Ҳамидуллаев бошчилигидаги бир гуруҳ қуювчилар рангли ва қора металл парчаларидан нон ёпишда ишлатиладиган қолип тайёрлашни йўлга қўйди.

КАТТА ИШЛАР БЎСАҒАСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда).

мустақил жамоат ташкилотлари фаолияти билан, шунингдек, бизнинг партиямиз фаолияти билан танишди. Самимий қабул учун миннатдорчилик билдирган делегация раҳбари «Адолат» социал-демократик партиясининг тақдири ишончли қўлларда экан, дея тан олди. Бу албатта ҳаммамизга билдирилган ишонч. Партиямиз бундай ишончларга сазовор бўлаверсин. Бу ўринда сизларга суянамиз, албатта.

Россиядан ташриф буюрган бир гуруҳ журналистлар билан учрашувимиз ҳам меҳмонларда яхши таасурот қолдирди.

Ҳурматли пленум қатнашчилари.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар фаолиятимиздаги ижобий ишларни бир кўриниши холос. Бироқ, ютуқлар ўзимизники, бу билан фахрланишимизга эрта. Сабаби, ҳали олдимизда қатор муаммолар турибдики, бунга албатта шу кунгача қисман бўлсада якун ясашимиз керак эди, деб ўйлайман.

Энг асосийси, мана бир йилдирки: Сиёсий Кенгашнинг вилоятлар билан алоқаси яхши йўлга қўйилмаган. Тўғри бу ўринда молиявий қийинчиликларни рўкач қиламиз, албатта. Лекин баҳона билан иш битмайди, бир жойда ўтираверсак, асосий ишларимиз бир ёқда қолиб қуруқ гаплар билан халқнинг ичига кириб бориб бўладими?Бунда шу кунгача орттирган ишончни ҳам тез фурсатда қўлдан бой бериб қўймаймизми? Номма-ном айтишни жоиз топмадим, лекин ҳанузгача бошланғич ташкилот тузишга, аъзолик билетлари тарқатишга киришмаган шаҳар ва туман Кенгашлари жуда кўп. Ҳаммамизга маълумки, ташкилотларимиз асосан аъзолик бадаллари ҳисобига фаолият кўрсатадилар. Шундай бўлсада, ҳали аъзолик бадалини йиғиш у ёқда турсин, ҳозиргача банкда ҳисоб рақами очмаган туман, шаҳар партия кенгашлари ҳам борлигини қандай баҳолаш мумкин? Шундай бўлгач, молиявий аҳвол чатоқ, деб фаолиятни тўхтатиб ўтираверишнинг ўринлими? Ҳаракат бўлмаса ҳеч қачон барака бўлмаслигини менимча сизларга билдириш ўринли бўлмаса керак. Тадбиркорлик билан шуғулланиб, маблағ топиш вақти аллақачон келган

СУРАТЛАРДА: пленумдан лавҳалар

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Тўғри, Сиёсий Кенгаш аппаратида ҳам бу масалада айб бор. Котибларимиз, ҳайъат аъзоларимиз вилоятларга боришиб, ташкилий ишларга ёрдам бермаяптилар, жойларда қандай ишлар амалга оширилаётганлиги билан ўз вақтида танишиб келмаяпти-лар. Аммо жойлардаги котибларимиз-чи? Нега улар ҳамон қўл қовуштириб ўтирибдилар. Очиғи, ҳурматли котиблар, партия ишига бу жамоатчилик асосидаку деб иккинчи даражали иш сифатида қарамайлик. Бошқа ишлардан озод этилган котибларга ҳам ҳамма ишни топшириб қўйиб, «ойлигини сен оляпсан, ишини ҳам сен қил» қабилида иш тутиб, аравани икки томонга тортадиган бўлсак, партиямиз обрусига путур етказган бўламиз Шундай экан, келинглар, бундан буён ишимизда партия фаолиятида туб бурилиш қилайлик. Халқни ичига кириб бормас эканмиз, уларга ўз мақсадимизни тўғри тушунтириб, Низом ва Дастуримизни тарғиб қилмас эканмиз, ҳеч қачон фаолиятимизда олга силжиш бўлмайди. Халқимизни ҳар бир муаммосини адолатли ҳал қилишга ёрдам берайлик. Бунинг учун, албатта Сиёсий Кенгаш билан вилоятлар, вилоятлар билан шаҳар, туман Кенгашлари алоқасининг узвийлигини таъминлайлик.

Сизларга ахборот учун яна шуни айтиб қўйишни лозим топдим. У ҳам бўлса Янги йилдан эътиборан Марказий аппаратда ишлар амалга оширила бошланганлиги шундаки, котибларимиз, ҳайат аъзолари ҳамда Марказий аппарат Котибияти йиғилиши, ҳар ойнинг учинчи сешанбасида эса, ҳайъат аъзолари йиғилиши ўтказилиб борилади. Бу қатъий қилиб белгилаб қўйилди. Кимда мазкур йиғилиш хусусида ўз фикри бўлса, ёки ечимини топа олмаётган муаммоси бўлса, марҳамат, шу куни телефон орқали ёки келиб бизга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳам ўз ўрнида ишимизни олга силжишда натижа беради, деб ўйлаймиз.

Ҳурматли партиядошлар!

Сизларни партиямиз фаолиятининг бир йил давомидаги ютуқлари ва камчиликлари тўғрисида қисман бўлсада таништирдим, холос. Энди, олдимизда фаолиятимизга бевосита боғлиқ яна бир масала тўғрисида гапирмоқчиман. Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда юртимизда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда жонажон Ватанимиз мустақиллигининг беш йиллигини қизғин кутиб олишга катта тайёргарлик давом этмоқда. Албатта бизлар ҳам бундай қутлуг тадбирлардан четда қолмаймиз. Шу муҳим санага қадар Тошкент шаҳрида «Мустақиллигимизнинг беш йиллиги ва ижтимоий муносабатларда адолатни қарор топиши» мавзусида республика илмий-назарий конференциясини утказишни мўлжаллаяпмиз. Шу билан бирга айём шарафига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан сиёсий-амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқий муаммолар бўйича республика Фанлар академиясининг йирик олимлари иштирокида давра суҳбатини ташкил этиш, вилоят ҳокимликлари томонидан мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб утказиладиган тадбирларда вилоят партия ташкилотларини фаол иштирок этишини ташкиллаштириш чораларини кўраяпмиз. Шу билан биргаликда Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва «Адолат» газеатаси ҳамкорлигида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб энг яхши публицистик мақолалар, очерклар, шеърлар кўрик-танловини ташкил қилиш борасида иш олиб бораяпмиз. Шундай экан, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида бу тантаналар билан боғлиқ ишларни яхши йўлга қўйишимиз керак. Жойларда тадбирлар ишлаб чиқишимиз ёки ташкил қилинаётган тадбирларга баҳоли қудрат ёрдам беришимиз зарур.

Хуллас, бир сўз билан айтганда партиямиз фаоллари юртимизда утказилаётган тадбирлардан четда қолмасин. Ана шундагина биз халқимизнинг ичига тобора яқинроқ кириб борамиз ва ишончини оқлаймиз.

• (Нутқ қисқартирилган ҳолда эълон қилинди).

• *Танишинг*

АЛИМАТОВ ШУҲРАТЖОН СОБИРОВИЧ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг бўлим мудири

Ш. Алиматов 1961 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. Фарғона давлат педагогика институтининг инглиз тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган. Асосий меҳнат фаолиятини Бешариқ туманидаги 54-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнгра вилоят ижодкор ёшлар марказининг Бешариқ тумани филиали масъул котиби, туман Ёшлар иттифоқи қўмитасининг бўлим мудири, котиби, вилоят. Ёшлар иттифоқи қўмитасининг котиби, вилоят ҳокимлиги қошидаги балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия котиби, Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг иккинчи котиби вазифаларида ишлаган.

1996 йил 27 февраль куни Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси VI пленумида Сиёсий Кенгашнинг ташкилий, тахлиёт ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири этиб тайинланди.

• *Партия ахбороти*

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг III Пленуми бўлиб утди. Унда «Узбекистон, «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ва УСДП Тошкент шаҳар Кенгашининг 1995 йилда амалга оширган ишлари тўғрисида»ги масала кўрилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби Одилжон Аҳмедов ахборот берди. Пленумда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва Узбекистон мустақиллигининг 5 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриш ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўз танаталаларини ўзига хос байрам қилиш билан боғлиқ тадбирлар белгилаб олинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Тошкент шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Тургунпўлат Даминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Тошкент шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби этиб «Ўзсувқурилиштранс» Республика автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Баҳодир Ғуломович Алимов сайланди.

Пленум кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Шунингдек, Пленумда Узбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг бир йиллиги муносабати билан партия сафларида фаол хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ фаолларга «Фахрий ёрлиқ»лар топширилди.

Пленум ишида Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби А. Ғуломмаҳмудов, Сиёсий Кенгаш бўлим мудирлари Р. Ҳайдаров ва Ш. Алиматовлар иштирок этди.

• *Танишинг*

АЛИМОВ БАҲОДИР ҒУЛОМОВИЧ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби

Б. Алимов 1943 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Узбекистон «Адолат» СДП аъзоси. Тошкент политехника институтини тугатган. Ихтисоси олий маълумотли. Муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда 1-автомобиль таъмирлаш заводида чилангар шогирдлигидан бошлаган. 1966-1971 йилларда Тошкентдаги 2505-автоколоннада катта механик, Чилонзор тумани «Автойулмехбаза»сида бош муҳандис, директор, 5-автобус паркида эксплутация бўлимининг бошлиғи, директор ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1971-1976 йилларда Тошкент вилоят юк ташиш трести бош муҳандисининг муовини бўлиб ишлади.

1976-1978 йилларда «Узбошсувқурилиш»та қарашли вилоятлараро автотранспорт тресттининг 1-автокорхонасида бош муҳандис, директор вазифаларида ишлаган. 1978 йилдан бери «Ўзсувқурилиштранс» республика автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлиб ишлаб келмоқда.

Оилали. Тўрт фарзандининг отаси.

Шаҳар партия Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган III Пленумида Б. Алимов Тошкент шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах шаҳар кенгашининг II Пленуми бўлиб утди. Унда барча бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси М. Бобоев, вилоят партия Кенгшанинг биринчи котиби У. Қўлдошев ва бошқалар иштирок этдилар.

Пленумда Жиззах шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Сувонқулова нутқ сўзлади. У Узбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш ва жойларда партия ташкилотларининг нуфузини ошириш, аъзолик бадалларини йиғиш масалалари юзасидан партия ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб утди. Йиғилганларни партия Кенгашининг иш режалари билан таништирди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ў. ОТАБОЕВ,
Жиззах шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби.

• *Ислоҳот одимлари*

МЎМАЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Ислоҳ... даврида ўзини ўзи қоплаб, янгича иш юритишнинг аҳамияти беқиёс. Ана шундай корхоналарнинг бири Зомин туманида тезда тилга тушди. Қийинчиликларни енгиб, самарали меҳнат натижаларини намоён эта бошлади. Бу — сопол ва деворбоп материаллар заводидир.

Корхона ишга туширилган дастлабки 1987 йилда унга катта умид билан қаралди. Бироқ, хўжалик алоқаларидаги узилишлар, хом-ашё таъминотидаги тақчилликлар уни ноқулай аҳволга солиб қўйди. Ўтган йили корхона, айниқса, оғир иқтисодий аҳволни бошидан кечирди. Унинг зиммасидаги қарз 3 миллион сўмдан ортиб кетди. Албатта унга завод қурилиши бошлангандан буён корхонадаги ўнта директорнинг ўзгарганлиги ҳам таъсир этди. Янги йилдан заводга раҳбарликни Абдуқаюм Жуманов қўлга олгач, бу ердаги аҳвол тубдан ўзгарди. Корхона юқори малакали, чуқур билимдон мутахассисларга эга бўлди. Олиб борилган таъмирлаш ишлари ва ускуналарни янгилаш ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўлами ортди. Оқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У айни пайтда бир сменада 20 минг донани ташкил этмоқда. Бунинг ҳисобига корхона жамоаси мўмай даромадга эга бўляпти.

СУРАТДА: завод ишчилари Шавкат Мансуров, Нишонбой Ибодуллаев, ишлаб чиқариш бошлиғи Ўринбой Аликулов ва корхона раҳбари Абдуқаюм Жуманов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Баҳром ТЎРАЕВ олган сурат.

Халқаро ҳаёт

• СЕУЛ шаҳри суди раисининг маълум қилишича, Жанубий Корея республикасининг собиқ Президентлари Чон Ду Хван ва Ро Дэ У устидан суд 11 март куни бошланади. Улар 1979 йилдаги ҳарбий тунтаришни уюштириш ва халқ намойишини бостирганликда айбланмоқда. Шунингдек, у икки собиқ Президент бир вақтнинг узида суд қилинишини, айтди.

***

• ФРАНЦИЯ Президенти Жак Ширакнинг Сингапурга расмий ташрифи бошланди. Ташрифдан сўнг Жак Ширак Бангкокда бўладиган «Осиё-Европада» олий даражадаги учрашувида иштирок этади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сафар Франция билан Осиё-Тинч уммони ҳудуди мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг ривожида янги саҳифа очади. Шу вақттача Франциянинг Атолле Мururоада утказган ядро синовлари ушбу алоқалар ривожига асосий тусиқ бўлаётган эди.

***

• ТАЙВАННИНГ Тайчжун шаҳрида кучли енгин содир бўлди. Енгин оқибатида 13 киши ҳалок бўлган, 17 киши эса жароҳатланган. Айни пайтда маҳаллий ҳукумат ушбу енгиннинг сабабларини қидирмоқда. Баъзи бир маълумотларга қараганда, енгинни кимдир атайин содир этган.

***

• КОЛУМБИЯ ҳуқуқ-тартибот посбонлари миллий мудофаа ва миллий полиция биноларини уққа тутмоқчи бўлган қўпорувчилар гуруҳини фош этди. Колумбия пойтахтида соқчилик қилиб юрган махсус хизмат ходимлари овлоқ жойдан бомба отадиган олтита қурилма топиб олди. Уларнинг барчаси ўқланган ҳолда мазкур биноларга қаратилган экан.

***

• МОСКВА. Россия ва Венгрия спорт соҳасида узаро ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Венгрия жисмоний тарбия ва спорт миллий бошқармаси президенти Реже Галлов ва Россия жисмоний тарбия ва сайёҳлик ишлари давлат қўмитаси раиси Шамил Тарпишчев икки мамлакат ўртасида узаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади.

***

• РИМ. Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Римга ташрифи чоғида Греция билан чегара масаласидаги муаммони музокаралар воситасида ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади. Туркия Бош вазирининг айтишича, Европа иттифоқининг бу масалага бир томонлама ёндашуви Греция ва Туркия ўртасидаги зиддиятларни чуқурлаштириши мумкин.

Тансу Чиллер Италияга ташрифи чоғида бу мамлакат раҳбарияти билан Европа иттифоқи ва Туркия ўртасида тузилган божхона иттифоқи ҳақидаги шартномани амалга ошириш юзасидан ҳам музокара утказди.

***

• ҚОЗОҒИСТОН. Қозоғистон чет мамлакатларга ўз нефтини Эрон орқали сотиш ниятида. Каспий денгизи ва форс кўрфазидан ўтадиган бу йўналиш орқали ҳар йили 2-5 миллион тоннагача нефть экспорт қилиш режалаштириляпти. Қозоғистон нефть ва газ саноати вазири Нурлан Балгимбоев эронлик ҳамкасби Ғулом Ризо Огазода билан учрашув чоғида шуни маълум қилди.

***

• ЖАНУБИЙ ОСИЁ мамлакатларида иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши ҳамда «совуқ уруш» барҳам топиши натижасида замонавий қурол-ярог билан савдо қилувчи фирмалар ўртасидаги рақобат кучайиб кетди. Бу минтақада қуролланиш пойгасининг тезлашувига сабаб бўлди.

• Жанубий Кореянинг Пусан шаҳри кўчаларидан бирининг кўриниши. Денгиз бўйига жойлашган бу шаҳарда саноат ғоят ривожланган.

Япония, Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея, Таиланд, Тайван ва Сингапур 1995 йилда миллий мудофаа учун 130 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфлаган. Бу кўрсаткич ушбу мамлакатларнинг 1983 йилдаги мудофаа харажатига нисбатан тўрт баробар кўпдир. Ушбу мамлакатлар орасида Хитой кейинги йилларда қуролланиш пойгаси борасида олдинга чиқди. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича ўтган йили мудофаа харажатлари Хитой миллий бюджетининг 13 фоизини ташкил этган.

***

• Мансабни суистеъмол қилиб, ундан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланганларга қарши ҳамиша курашиб келинган.

Америка қитъаси давлатлари ташкилотига (АҚДТ) аъзо 35 мамлакат Ташқи ишлар вазирлари 26-29 март кунлари Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида ана шу муаммони муҳокама қиладилар. Кузатувчиларнинг фикрича, ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарлари учрашувида коррупцияга қарши кураш тўғрисида халқаро шартнома имзоланади. Мазкур шартномага кўра, коррупцияда айбланиб қўшни мамлакатларга қочган мансабдор шахслар талаб қилинганда ўз мамлакатига қайтарилиши шарт.

Айни вақтда Перунинг коррупцияда айбланган собиқ Президенти Алан Гарсиа Колумбияда, Эквадор вице-президенти Альберто Даик Коста-Рикада, Мексика Бош прокурорининг собиқ ўринбосари Мариу Руиз Массье эса АҚШда муҳожирликда яшамоқда.

***

• «АЁЛ киши учун биринчи ўринда унинг оиласи, сўнгра эса касби туради. Лекин аёл агар қатъий қарор қилса, профессионал шахматда эркаклардан қолишмаслиги ҳам мумкин», — деди аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Жужа Полгар Испаниянинг «Мундо» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Маълумки, Жужа Полгар яқинда Испаниянинг Хаен шаҳрида жаҳон шахмат тожи учун бўлган баҳсда ғалаба қозонди. Жужанинг фикрича, 21 асрда компютер энг кучли шатранжбоз бўлади. Аммо, шахмат спорт тури сифатида ҳеч қачон ўлмайди.

• *Ислоҳот одимлари*

«ЕР ОСТИДАГИ ҲАНГОМАЛАР»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил 6 январь, №1 (40)

Юқоридаги сарлавҳа остида луқма эълон қилиниб, унда Тошкент метрополитенининг «Чилонзор» бекатидаги тартибсизликлар кескин танқид қилинган эди. Газетанинг бу танқидий чиқишига қўйидаги жавоб олинди:

— Мақолада ҳаракат хизмати жамоаси ўртасида муҳокама қилиниб, «Чилонзор» бекатидаги тартиббузарларга қарши қаттиқ чора кўрилди.

Қўпол муомалада бўлган, йўловчилар ҳаққига хиёнат қилган, шунингдек иккинчи кассани зарур вақтда очмаган икки нафар пул майдаловчи кассадан четлатилиб, фаррошликка ўтказилди. Уларнинг ишларини назоратсиз қолдирган катта пул майдаловчи (!)нинг мансаби пасайтирилди. Йўловчилар гавжум бўладиган бекатларда уларга қўлай пайтларда иккита кассани ишлаш устидан назорат ўрнатилди.

Шоиноят ШОАБДУРАҲИМОВ,
Тошкент метрополитени бошлиғи.

«ТОМОҒИНИ ТАГИ МАРЖОНЛИ»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил 3 февраль, №5 (44)

Мазкур сарлавҳа остида берилган луқмада телевидения орқали кейинги пайтда мазмунсиз, маза-матрасиз, бемаъни қўшиқлар берилаётгани танқид қилинган эди. Бу луқмага қўйидаги жавоб олинди:

— Маълумингизким, Узбекистон телерадиокомпаниясининг бадиий асарлар, жумладан қўшиқларни саралайдиган салоҳиятли, обрули, махсус бадиий кенгаши ва таҳририятлари мавжуд. Бундай маза-матрасиз қўшиқларни эфирга чиқишига бевосита ўша жамоалар масъул. Қолаверса, вазирлигимиз ҳам бундай асарларга нисбатан ўзининг салбий муносабатда эканлигини билдиради.

Эркин ҲАЙИТБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири.

ТАҲРИРИЯТДАН: редакция жавоблан қониқмади. Хўш, бунга телевиденеиедаги мутасаддилар нима дейишаркин?

«ШАРТНОМА НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?» «ҚАРЗДАН-ЧИ, ҚАЧОН ҚУТУЛАСИЗ?»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил, 13 январь №2 (41)

Ушбу сарлавҳа остида берилган танқидий материалда янги иқтисодий шароитда шартномалар тузиш ва уларни бажариш кўпгина вилоятларда ўлда-жўлда қолиб кетаётганлиги номигагина шартнома тузиб, унга амал қилинмаётганлиги очиб ташланган эди. Унга нисбатан шундай жавоб олинди.

— Мақолада кўтарилган масала ўз вақтида вазиятни тўғри баҳолаб ёзилган деб ҳисоблаймиз ва редакцияга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шартномаларнинг шартлари маҳсулот етиштирувчи ва тайёрловчи ташкилотлар ўртасидаги асосий ҳужжат бўлганлиги учун ҳам уз вақтида бажарилиши таъминланиши зарур. Аммо тайёрлов ташкилотларининг пул ресурслари бўлмаганлиги сабабли хўжаликларнинг топширилган маҳсулотларига ўз вақтида пул маблағларини бера олмаяпти, натижада пилла, мева, сабзавот, полиз, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тайёрлов ташкилотлари билан хўжаликларнинг тузган шартномалари бўйича ҳисоб-китоблар чўзилиб, ҳал қилинмай қолинмоқда.

1996 йил ҳосили учун тизимимиздаги барча маҳсулот етиштирадиган хўжаликлар тайёрлов ташкилотлари билан шу йилнинг 9 февралига шартномаларни тузиб бўлдилар. Ҳозир хўжаликларнинг 1996 йил пахта ва дон учун 8,4 миллиард сўм аванс маблаги ажратиб берилмоқда. Шунингдек, бошқа турдаги маҳсулотларга ҳам аванс берилиши устида қаттиқ иш олиб борилмоқда. Шартномавий мажбуриятларни бажариш устида бундан кейин чуқурроқ шуғулланиш ҳақида жойларга топшириқ берилди.

Ҳолдор ИСКАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари.

«ФАРҒОНАДАН ТОШКЕНТГА КЕТАР БЎЛСАНГИЗ...»

(«Адолат» газетаси, 1995 йил 23 декабрь №38)

Мазкур сарлавҳали мақолада Фарғона аэропортидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди. Унга қўйидаги жавоб келди:

— Ҳақиқатдан ҳам шу куни об-ҳаво шароити ёмон бўлганлиги туфайли Фарғона шаҳридан Тошкентга учиши лозим бўлган 66—72 ва 70-рейслар кечиккан. Натижада қўлларида чипталари бўлган 58 нафар йўловчи аэропорт биносида тупланиб қолган. Юзага келган вазиятда аэропорт раҳбарияти Шаржа — Фарғона — Тошкент йўналишида учаётган «ТУ—154» самолёти командири билан келишиб, юқорида қайд этилган йўловчиларни ушбу транзит самолётида учириб юборганлар...

Камолиддин САЛОҲИДДИНОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

***

— Ушбу мақола юзасидан ишчи комиссияси тузилиб, хизмат тадқиқоти олиб борилди. Натижада юқорида ҳокимнинг ўринбосари хатида келтирилган фактлар тасдиқланди.

Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, мақолада исмлари келтирилган аэропорт ходимлари ҳақиқатдан ҳам аэропортда «ТУ-154» самолётига чипталар қайта расмийлаштирилаётган пайтда чипта сотиш хонасига кирганликларини тасдиқладилар. Аммо буни улар аэропортда тупланиб қолган йўловчиларни самолётга утказишни тезлаштириш, чипта ва юкларни қайта расмийлаштириш масалаларида юзага келган муаммоларни ҳал этиш лозимлиги билан изоҳладилар.

Мақола юк ташиш хизмати ходимлари ва аэропортнинг раҳбарияти ўртасида ўқиб берилди ва муҳокама қилинди. Аэропорт директори Халилов самолётларга йўловчиларни утказиш пайтида чипта сотиш хонасига аэропорт ходимларининг киришини мутлақо таъқиқлади. Фарғона аэропортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланди.

Арслон РЎЗМЕТОВ,
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари.

● «Ўзбекистон—Ватаним маним»

«ТУРКИСТОНИМ, ЯЙРА!»

Тошкент вилоятида республика мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг саралаш босқичида Она-ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи янги қўшиқлар янгради, талайгина истеъдодлар кашф этилди.

Оҳангарон туманида деярли кун бўйи давом этган танловда мактаб ва маданият муассасалари, хўжалик ва маҳаллалар вакиллари томонидан қирқдан кўпроқ қўшиқ ижро этилди. Улар орасида истеъдодли хонанда Тошпўлат Маткаримов «Туркистоним, яйра!» (Абдусаид Кўчимов шеъри, Анор Назаров мусиқаси) қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллади.

Н. ДУШАЕВ.

ХОНАКИ КЎРГАЗМА

Наманганлик таниқли рассом Эркин Азизов ўз уйида ташкил этган ижодий кўргазмасига шундай ном берди. Кўргазма Ўзбекистон истиқлолининг беш йиллигига бағишланди. Унга турли манзаралар, портретлар ва натюрмортлардан иборат 130 дан ортиқ суратлар қўйилган.

Эркин Азизов «Хонаки кўргазмаси» билан бир вақтда Наманган вилояти маданият саройи залида ҳам суратлар кўргазмасини ташкил этди. Бу кўргазмада вилоятдаги таниқли мусаввирлар билан бирга иқтидорли ёш рассомларнинг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

● Хива санъат мактабида очилган ўзбек фольклорлик санъати бўлими соҳанинг бой анъаналарини ёшлар қалбига сингдирмоқда.
К. ОТАЕВ олган сурат.

ТИЛНИ БУЗАЁТГАН ТИЛЧИЛАРМИ?

Тилшунослик ва услубият илмий-назарий тутумларини, грамматика қоидаларига амал қилишни жиддий ўрганмаслик мустақил фаолият қўйнида, ижодий жараён асносида панд бериб қўйиши шубҳасиз. Она тилимизнинг тақдири, муҳофазаси, тадрижи унинг луғат мулки-ю маромлари, бузилишлари-ю узилишлари борасида матбуотда адиб, шоир ва журналистлар томонидан билдирилган баъзи мулоҳазалар бу ҳақда чуқурроқ ўйлашни тақазо этмоқда.

Ижодкор қаламкашларнинг она тилига муносабати тил амалиёти муҳитининг ўзгаришида пешқадамлиги, жонбозлиги билан аён. Ўз навбатида тилшуносликнинг тил амалиётидан узоқлашиб, услуб илми ва нутқ маданияти муаммолари билан шуғулланмаётганлиги ҳам маълум. Шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Ўзбек тилшуносларидан ҳафа бўлиб кетасан киши» дейишларида ҳам маълум ҳақиқат бор. Лекин ҳозир гап лисоний тасаввурларимиз, тил илмидан хабардорлигимиз, тилимизнинг назарий ва амалий муаммоларига муносабатимиздаги чалкашлигу кемтиклари хусусида.

● Баҳс

Чунончи, баъзи ижодкорларнинг чиқишларида адабий тилимизнинг кечаги аҳволи, инқирози (ҳа, инқирози, парвози эмас) бевосита тилшунослик фани, демак, тилшунослар фаолияти билан боғлаб шарҳланмоқда. Тилимиз таркиби, қўлланиш тартиби ва услубий такомилидаги барча қусуру кемтикликларга асосан тилшунослар айбдор, деб даъво қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг фикрича, тил луғатида ажнабий сўзларнинг миқдори ва мақомининг юқорилигига ҳам тилшунослар сабабчи. Бу эса изоҳли луғатда қайд этилган бегона лафзлар исботи эмиш.

Аввало, адабий тилнинг аҳволи-ю аъмолини, мақоми-ю маромини тил илми ҳам, тилчилар ҳам тайин этиб беролмайдилар. Ҳар бир давр тилининг имкони ҳам, истиқболи ҳам, мукаммаллик даражаси-ю маданийлик мезони ҳам ўша давр кишиларининг умумий ижтимоий нутқий фаолияти билан боғлиқ. Демак, тилнинг ривожланиши энг аввало жамиятнинг ижтимоий аҳволи билан боғлиқ ва уни жамият ҳаётининг кўзгуси бўлмиш матбуот ва адабиёт белгилаб беради.

Сўз тақдирида сўзловчи жамиятнинг тақдири, тарихи, тафаккури ва тириклиги битилган бўлади. Машҳур тилшунос олим А. Потебнянинг таъкидлашича, тил филологларнинг илмий тадқиқотлари, академиялар ёки бошқа ваколатли муассасаларнинг тавсиялари бўйича эмас, балки бутун халқнинг, айниқса, унинг ўрта қатламининг нутқий фаолияти асосида ривожланади. Адабий тилимизнинг фаол луғат мулки, унинг ишлатиш маромлари ва қўлланиш мавридлари, умуман тилшунослик фани тилчилар томонидан ишлаб чиқилмайди, балки жамият нутқий фаолияти жараёнида унинг самараси сифатида табиий равишда мавжуд бўлади. Бинобарин, тилимизнинг мақоми ва маромлари нутқ амалиёти асосида қарор топади.

Тилшунослик фани тил ривожланишига, нутқ маданиятига таъсирининг бир жиҳатларидан бўлиб, бу кишилар учун маромли маданий нутқнинг ишончли ва имтиёзли намуналари вазифасини ўтайди. Айниқса, матбуот ходимларининг нутқи, уларга хос сўз қўллаш маромлари, нутқий, услубий товланишлар ҳалқнинг сўз бойлигини, нутқ малакасини тарбияловчи воситадир. Ҳозирги давр кишилари, айниқса ёшлар ўз бойлигининг ошишида нутқий малакасининг маромлашувида луғат ва грамматик дарсликлардан кўра оммавий ахборот воситаларининг таъсири сезиларлироқ ва самаралироқдир.

Матбуот ўзининг оммабоплиги, ҳаммабоплиги билан жамият нутқий малакасига икки томонлама таъсир этади:

БИРИНЧИДАН, оммавий ахборот воситаларининг оммага мўлжаллаб, оммабоп қилиб ёзиш, сўзлаш мезони асосида иш кўриши барча тоифадаги ва ёшдагилар учун умумий маромларга риоя қилишни, демак халқнинг кўпчилик қисми нутқга хос сўз ва ибораларни қўллашни қарор топтиради. **ИККИНЧИДАН,** матбуот тилини миллатнинг умумий мулоқот тили дейиш мумкин. Бу умумий мулоқот тили ўз навбатида жамият аъзоларининг сўз бойлигини, маданий нутқий малакасини шакллантириш манбаи вазифасини ҳам ўтайди.

Шундай экан, адабий тилнинг инқирози ёки парвозини сўз санъаткорлари, журналистлар ва таржимонларнинг ўзлари, уларнинг ижодий нутқий фаолияти тайин этади. Луғатлар шу давр тил фаолиятидаги аҳволни қайд этади, холос. Луғат тузиш жамиятнинг лисоний онгидан, тилдаги сўзлар, уларнинг маъно таркибидан дарак беради. Бинобарин, изоҳли луғат ҳам ўз даври тил мулки оламини, нутқ фаолияти аҳволини акс эттиради. Ахир истиқлол даври тилидаги ўзгаришлару изланишларни тилшунослик эмас, матбуотнинг ўзи бошлаб бермайдими? Ўзликни англаш ўз сўзимизни излашдан бошланмайдими? Бугунги кунда бу изланишлар ва адашишлар матбуот тили билан, журналистлар фаолияти билан боғланмаяптими ахир?! Ўзликни англаш ифодаси бўлган бу жараённи тилга бузиш деб баҳолаётганлар (буларнинг ичида, афсуски, тилшунослар ҳам бор) йўқми? Шунинг ўзиёқ «Тилчилар тилимизни бузди, бузишаяпти» деган даъвонинг асоссизлигини кўрсатмайдими?! Афсуски, «Ўзбек тили лексикасидаги бошбошдоқликдан, минглаб сўзларимизнинг истеъмолдан тушиб қолганлигидан тилшунос олимларимиз хижолат чекишлари керак» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 й. 14 июнь) қабилидаги фикрлар баъзи адабиётшуносларни ҳам чалғитмоқда. Сўзни тилшуноснинг хоҳиши билан нутқ амалиётига киритиш ёки чиқариб ташлаш мумкин эмаслигини тушунишни истамайди чоғи улар. Ҳатто буйруқ билан ҳам сўзни тасдиқлаб ёки «бўшатиб» бўлмайди. Рус тилшунослиги тарихидан «Отчество» сўзининг таъқиқланганлиги, императорга ёзган хатида бу сўзни қўллаган киши қамоқ жазосига ҳукм этилганлиги, шунга қарамай бу сўзнинг ҳануз рус тилида «яшаб» келаётганлиги ҳам маълум-ку! Тил тарихида эса бундай мисоллар кўп.

Хулоса аён, ҳар қандай таклифу тавсия (янгича сўз ҳам) тилнинг ички қонунларига мувофиқ келмас экан, нутқ амолида қўлланмас, жамият, демак матбуот, адабиёт аҳли томонидан тан олинмас экан, (агар луғатларга ёзиб қўйилган тақдирда ҳам) тилнинг луғат мулкидан жой олмайди.

Қизиғи шундаки, айрим тилшунослар ва сўз усталари томонидан ижод қилинган (ёки қўллаш учун тавсия этилган янги сўзлар), архаизмларни ишлатиб, фаоллаштириш хусусидаги таклифлар бир вақтлар матбуот ва бадиий адабиёт вакиллари томонидан танқид қилинган эди. Баъзи физика терминларининий, вий қўшимчалари ёрдамида таъмирлаб (физикавий атама, анадавий ёруғлик каби) луғатга киритган тилшуносларга матбуот «Ёруғлиқий» лақабини бериб, истеҳзо билан кулган вақтлар ҳам бўлган («Муштум», 1979 й, 17 сон). 60-йилларда «Гулистон» журналининг тили архаиклашиб кетаяпти, деб бонг урганлар ҳам дастлаб ижодкорлар бўлди. Ўз вақтида ҳарбий атамаларнинг ўзбеклаштирилиб берилганлиги танқидчиларнинг эътирозига сабаб бўлганлиги ҳам матбуотдан маълум.

Бугунги кунга келиб, янги сўз ясаш, эски сўзларни излаб топиб истеъмолга киритиш ҳаракати гоҳ мавжланиб, гоҳ секинлашиб турибди. Бир хиллар 20-йиллар луғатидаги Амриқо, серик (цирк) каби сўз шаклларидан нусха олиб, янгилик сифатида тавсия этишмоқда, бошқалари эса ҳар ким ўз шевасида гапирса яхши деб шевачиликни авж олдирмоқдалар.

Айрим ижодкорлар адабий тил луғатини, унинг маромларини аксарият бадиий нутқ қаричи билан тайин этишга уринмоқдалар. Бу илм фанга оид махсус атамаларни баҳолаш матбуотда сўз қўллаш, янги сўз яратиш кабиларда ҳам ошкор бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситалари тилида бодроқдек бўй кўрсатаётган баъзи камёб сўзлар ғаройиб шахсий яратиқлар, ғайриодатий атама ва ифодаларнинг юзага келиши сабабларидан бири ҳам мана шунда.

Матбуот, бадиий адабиёт тили ва услубига хос асосий хусусиятларни, тилшунослик ва адабиётшунослик услубияти вазифалари ва муаммоларини фарқламаслик турли хил фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Чунончи, кўпчилик адабиётшунослар бадиий услубияти адабиётшунослик фанининг таркибий қисми эканлигини тан олганлари ва буни ҳимоя қилганлари ҳолда уни ўрганишни тилшуносларга ҳавола қиладилар. Ҳатто бу борада қандай йўл тутиш борасида тавсиялар берадилар. Адабиёт назариясининг муҳим бир соҳасими — адабиётшунослик услубият муаммоларини нима учун адабиётшуносларнинг ўзлари эмас, тилшунослар тадқиқ этиб бериши керак деган саволга жавоб беришдан ўзларини олиб қочадилар. Оқибатда, тилшунослар номига ноўрин таъналар қилинмоқда. Кўпчиликка маълум адабиётшунос олимлардан бири «Тилшунос ўртоқларимиз тилни «қалбидан, юрагидан жудо қилишади» дер экан, қуйидагиларни ёзади: «Ахир, маънодан, фикрдан, ҳистуйғудан халос этилган эга, кесимлар, сифат-сонлар кимнинг юрагини жизиллатади, кимнинг қалби, мияси, вужудида мустаҳкам ўрнашиб олиб, кимни тил тақдири, равнақи, унинг тараққиёти, истиқболи тўғрисида ўйлатади, ғам чектиради?» Тўғри, тил илмига хос илмий тушунчалар, аниқ таснифлар орқали кишиларнинг «юрагини жизиллатиши» ниҳоятда мушкул иш. Буни ҳатто адабиётшунослик илмида ҳам амалга ошириш қийин. Чунки тилшунослик ҳам, адабиётшунослик ҳам фан соҳалари, сўз санъати эмас. Фан эса атамалар, аниқ тушунчалар билан иш кўради. Бинобарин, у тилни чинор тимсолида тасаввур этиб, унинг томирлари шох ва барглари ҳақида фикрлашни хуш кўрмайди. Чунки ҳар қандай тимсолий таҳлилда мавҳумлик, ноаниқлик унсури ҳам бўлади. Эга — кесим, от — сифат каби атамаларсиз тил илмида аниқ ва холис фикр айтиш қийин. Тилшуносликда бундай «ҳистуйғу ифодалолмайдиган» тушунча-ю атамалар анчагина. Масалан, «услубий бўёқ» атамаси кўпчилик томонидан қабул қилинган. Шундай экан, «бўёқ» сўзини дастак қилиб у ёки бу тилшунос меҳнатини танқид қилиш ҳам инсофдан эмас. Эга-кесимлар моҳиятини ва улардан ўринли фойдалана олиш адабиётшунослар, адиб ва журналистлар учун жуда кўп нарса бериши мумкин.

Лисоний тафаккурдаги кемтиклар, тилшуносликдаги азалдан аён назарий билимлардан бехабарлик журналистлар фаолиятида, адабий тил маромларида, маданий нутқ мезонларида ўзининг сезиларли изини қолдириши шубҳасиз. Шу боис ҳам маданий нутқ пешқадамлари бўлмиш журналистларнинг лисоний таълими, тил билими ва нутқ маҳорати муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Бу журналистлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Она тилини, унинг қонун — қоидаларини яхши ўрганган ижодкорларнинг бу масъулиятни шараф билан адо этишларига шубҳа йўқ.

Ирисали ТОШАЛИЕВ,
ТошДУ журналистика факультети услубият ва таҳрир кафедраси мудири, филология фанлари номзоди.

Шамсиддин ДУНАСАРИЙ

ОДАМНИ БИЛИШ ИЛМИ

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

● Гавдани жун қоплаган бўлса, нодон ва аблаҳ бўлади.

● Бўйнини жун қоплаган бўлса, жасур, қувватли ва манман бўлади.

● Баданни тик юнг қоплаган бўлса, қўрқоқ ва пастҳимматли бўлади.

● Қошнинг жунлари узун бўлса, суюқоёқ ва синчков бўлади.

РАНГ

● Юзи қорамағиз бўлса, қўрқоқ ва ғам-андуҳга ботган бўлади.

● Юзи қизил бўлса, мард ва бисёр ғазабнок бўлади.

● Юзи оқиш бўлса, ожиз ва камқувват бўлади.

● Юзи оловдай қип-қизил бўлса, жиннисифат бўлади.

● Юзи қорайишга мойил сариқ бўлса, бемор ва беҳад ранжга ботган бўлади.

● Юзи бироз қизарувчан бўлса, шарм ҳаёли бўлади.

НАФАС

● Кимки оҳиста нафас олса, бу унинг очкўзлигидан далолат беради.

● Кимки ҳаддан зиёд нафас олса, ғам-андуҳга ва дардга ботганлигини кўрсатади.

● Кимнинг нафас олгани эшитилиб турса, табъи хира ва аёлларга мойиллигини билдиради.

● Кимки бесабаб тинимсиз нафас олса, қаҳри қаттиқ, сўзи совуқ ва бемеҳрлигини англатади.

● Кимки нафас чиқарганда оғзидан сафро ҳиди келса, бу қилган кўплаб ишларидан пушаймонлигини билдиради.

ОВОЗ

● Овоз баланд бўлса, аҳмоқ ва пастҳимматлилигидан нишонадир.

● Овози ширали, вазмин бўлса, тангдиллиги, андуҳга ботганлигини кўрсатади.

● Овози мулойим ва ширали бўлса, суюқоёқлигини (хунасалигини) билдиради.

● Овози манқа бўлса, ҳасадгўй ва ёлғончилигини англатади.

● Овози дағал бўлса, мард ва зийраклигини билдиради.

КУЛГИ

● Кимки кўп кулса, ундай киши бир оз илтифотли ва сафсатабоздир.

ЮРИШ

● Кимки енгил қадам ташлаб юрса, зийрак ва фаросатлидир.

● Кимки оғир, вазмин қадам ташлаб юрса, вафодор ва садоқатлидир.

● Кимки енгил қадам ташлаб, тўрт ёққа аланглаб юрса, бу киши инжиқ, жиззаки ва калтафаҳмдир.

● Кимки йўл юриш асносида гавдасини (жуссасини) бир маромда силкитиб юрса, у жинсий алоқага ва аёлларга ўчдир.

(Давоми бор).

Ойнаи жаҳонда

4—10 март



ДУШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Саёҳатнома». Италия таассуротлари. 6-курсатув.
8.55 «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.
10.30 Укув курсатуви. Она тили.
11.00 «Абадият қушиғи». Публицистик курсатув.
12.00 «Еттига етти». Телевизион танлов.
13.00 — 13.35 Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик курсатувлар дастури:
18.10 I. «Юксалиш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 II. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий укиш.
21.10 «Маърифатнома». Муборак Ҳаж зиёрати тараддудлари.
21.50 III. «Вақт хисобида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.20 «Соғиндим». Журабек Набиев куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Муъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йулка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45 — 23.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси», «Хоразм». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
21.40 «Йигирма йил утгач». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Қимиз». Телефильм.
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.05 «Тентек қуриқхонаси». Телефильм.

IV

17.05 «Кузмунчоқ». Болалар учун курсатув.
17.40 «Мусиқий учрашувлар». Татьяна Левина чалади (орган).
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мулькарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 Ёш ижрочилар чалади.
20.30 «5+1». Интервью.
21.00 «Таҳлил». Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.
21.15 «Спорт-тайм».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Оқ соя».
22.20 — 23.00 «Кимга қанақа?».

КозТД

7.55 «Ҳафтанома». 8.55 «Кино уйи»даги оқшом. 9.25 «Кечир мени, Алеша». Бадиий фильм.
x x x
17.00 «Соҳибжамол». Телесериал. 17.50 Мультфильм. 18.00 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти курсатуви. 18.25 «Оқ Урда». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.10 «Хабар» агентлиги намойиш этади. «НЭП». 21.40 «Эншашу». 22.10 «Ортеке». Дам олиш дастури. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

СЕШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Соғиндим». Журабек Набиев куйлайди.
9.00 «Узбектелефильм» курсатади: «Тоғлар чорлайди».
9.10 «Қизиқарли учрашувлар». Мусаввир Азиза Маматова билан мулоқот.
9.40 Биржа ва банк хабарлари.
10.00 «Соғлом авлод учун!» Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия.
Укув машғулотлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Узбекистон тарихи.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.30 «Тараққиёт». Публицистик курсатув.
13.00 — 13.30 «Мен сизни суюбман». Мусиқий композиция.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Санъат ғунчалари». Кичкинтойлар учун концерт.
18.45 «Шеърият». Салим Ашур.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик курсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Қимматли қоғозлар бозори». Публицистик курсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий укиш.
21.10 Табаррук қадамжолар. «Уйғонади руҳда бир дунё...» 1-курсатув.
21.40 Мумтоз куйлардан концерт.
22.15 «Акс-садо». Қуддус Аъзамнинг муаллифлик курсатуви.
22.55 «Адашлар». Кинокурсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.20 «Ғазалхон-ёшлигим».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йулка».
20.15 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.15 — 00.15 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Серқуёш улка жилолари», «Гиламлар ҳақида достон». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.20 — 21.40
*
21.40 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Бу ажиб дунё».
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.05 «Сух дарёси буйида». Телефильм.

IV

17.05 «Миллий анъаналар». Пазандачилик.
17.40 «Саломатлик — туман бойлик».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мулькарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
22.45— 23.35 «Кинематограф».

КозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Ортеке». Дам олиш дастури. 9.45 Кундузги телесериал. 10.30 «Ипак йули». Телесафар. 17.00 Мультфильм. 17.30 «Козоқ эли». 18.15 «Диидор». 18.40 «Сизда ҳуқуқ бор...» 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.10 «Весна» Халқ банки байрам депозитининг уйиналиши. 21.40 «Овозингни соғиндим». Мурод Калимулин. 21.50 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 22.00 «45 дақиқа». 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

ЧОРШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Ғазалхон-ёшлигим».
9.00 «Дардларга малҳам булай деб...» Гинеколог-хирург Аллома Насриддинова. Телеочерк.
9.30 «Ишбилармон». Интилиш самаралари. Телеочерк.
10.00 «Адашлар». Кинокурсатув.
Укув машғулотлари:
10.30 Табиатшунослик.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.
*
12.00 — 14.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 «Хазинамиз таянчи». Публицистик курсатув.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий укиш.
21.10 Табаррук қадамжолар. «Уйғонади руҳда бир дунё...» 2-курсатув.
21.30 «Узбекистон — Ватаним маним!» Қушиқлар телетанлови.
22.05 «Учрашув». Узбекистонда хизмат курсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаева.
22.35 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.25 «Олам ва одам». Маърифий курсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор байрами». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.00 — 21.40
*
21.40 «Баҳор арафасида». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Қунғирлик мусаввир». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.05 «Тандир, арча, олов». Телефильм.

IV

17.05 «Мул ҳосил омили». Сурхондарё вилоятидан курсатув.
17.30 «Эстрада калейдоскопи».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мулькарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Эллада».
21.00 «Кунгилнинг етти кузи». Дам олиш курсатуви.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Сирдошим». Узбекистон телевидениесининг шарҳловчиси Севара Турсунова билан суҳбат.
22.10 — 23.10 «Тошкент оқшомида».

КозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 9.20 «45 дақиқа». 10.05 «Океан тубида». Бадиий фильм. 11.25 «Ипак йули». Телесафар.
***
17.00 Мультфильм. 17.10 «Соҳибжамол». Телесериал. 18.30 «Иккинчи тайм». Футбол шарҳи. 18.40 «Минус» дастури. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.20 Адабий телальманах. 22.00 «Чорраха». Телесериал. 9-серия. 22.30 «Йигит ва қиз». Фильм-концерт. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

ПАЙШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Учрашув». Узбекистонда хизмат курсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаева.
9.15 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.35 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
Укув машғулотлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
11.30 Шифокор экрани. «Тери касалликлари ва уни даволаш усуллари».
12.00 Бир актёр театри. Орзиқул Эргашев. «Она меҳри».
12.30 Булоқлар куз очганда. «Эзгулик йулида». Телеочерк.
13.00 — 13.30 «Гул куп, чаман куп». «Ипакка боғланган кунгил».
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Онажоним — жонажоним». Кичкинтойларнинг байрам дастури.
18.40 «Биламиз-у, аммо...» Телемунозара.
19.15 Диққат, премьера: «Чемпион билан мулоқот» («Узбектелефильм»).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Узбекистон Олий Мажлиси депутати, Самарқанд тумани ҳокимаси Раҳима Ҳакимова билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий укиш.
21.10 Табаррук қадамжолар. «Уйғонади руҳда бир дунё...» 3-курсатув.
21.30 «Аёл гузаллиги — оламни безар». Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам дастури.
23.00 Диққат, премьера: «Бахтим, сени куйлайман». Фильм-концерт.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.50 «Гап йуқ».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдузли механика».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25 — 00.25 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Балиқчи қушлар». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.00 — 21.40
21.40 «Оқ йул!». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Жонли сайёра».
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
23.50 — 00.20 «Таушен». Телефильм.

IV

17.05 «Тадбиркорлик мактаби». Бизнес-план.
17.35 «Ёшлик оқшоми». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланади.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мулькарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.20 Монитор — «Осиё».
22.00 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.40 Эълонлар.
22.45 — 00.15 «Кинематограф».

КозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Турсунхон». Телефильм. 9.40 Кундузги телесериал. 10.50 «Фарида». Хужжатли фильм.
***
17.00 Концерт. 17.30 «Коре сарам». Корейс таҳририяти курсатуви. 18.00 «Чеҳралар». 18.25 «Оқ Урда». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 19.35 «Хабар» агентлиги намойиш этади: «Хар ишнинг уз вақти бор». 21.20 «Глобус». 21.50 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот». 23.20 «Мальборо-мотор». Теле-шоу.

ЖУМА, 8

ХАЛҚАРО ХОТИН—ҚИЗЛАР КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Аёл гузаллиги — оламни безар». Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам дастури.
10.00 «Шариф ва Маъруф». Бадиий фильм.
11.10 «Сеҳрли муйқалам». Болалар учун қизиқарли дастур.
11.40 «Мен сизни ардоқлагум...» Мушоира.
12.05 «Гап йуқ».
13.05 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильмлар.
13.35 «Эҳ, аёллар». Юмористик курсатув.
13.55 «Биламиз-у, аммо...» Телемунозара.
14.30 «Онажоним — жонажоним». Кичкинтойларнинг байрам дастури.
15.00 «Аёл бахти». Кинокурсатув.
15.40 «Эй, чеҳраси тобонлар». Адабий курсатув.
16.15 Дилором Қаюмова куйлайди.
16.45 «Голиб курси». Телевизион уйин.
17.35 Диққат, премьера: «Қушиғимда яшар муҳаббат». Фильм-концерт.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Меҳри қуёш — онажонлар!»
18.40 «Фақат қизлар учун!» Публицистик курсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Саодатли сайёралар». Кинокомпозиция.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий укиш.
21.10 Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
22.55 «Зебо». Қизлар тележурнали.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.50 «Ухшаш чеҳралар».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Муаллиф».
18.45 «Ривоят».
18.55 «Офарин».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «RAKS» таклим этади.
20.10 «Эртага — шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «RAKS» таклим этади.
21.15 «Мафтункор чеҳралар».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30—23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кирпи ва бошқалар ҳақида». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.20 — 21.40
21.40 «Учрашув». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Мерос». Телефильм.
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
23.50 «Пирим ороли». Телефильм.

IV

17.05 «Ер-ер». Бадиий фильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мулькарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Билиб қуйган яхши».
20.20 «Интердиалог».
21.00 «Бизнес-академия».
21.25 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга. «Гулларим қироличаси».
22.15 «Камертон». Профессор Галина Щеглова ҳузурида меҳмонда.
22.35 «Мардона қизлар». Публицистик курсатув.
23.15—23.55 «Тилакларимиз Сизга...»

КозТД

7.55 «Хабар». Ахборот курсатуви. 8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 9.20 «45 дақиқа». 10.05 Бизнинг кино. «Насибали». 11.15 «Ватан». 11.35 Концерт. 12.15 «Келин». Телефильм. 12.45 Баҳор, ёшлик ва гузаллик байрами. 13.25 «Уч Татьяна ва Надежда». Телефильм. 13.50 «Ютуқ» салони. 1-қисм. 14.20 «Тугалланмаган портрет». Телефильм. 14.45 «Шахс». Роза Багланова. Жанна Ахметованинг муаллифлик курсатуви. 16.10 Ёшлар канали. 16.40 «Ёш қанот». Номлар. 17.00 «Соҳибжамол». Телесериал. 17.55 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти курсатуви. 18.30 «Қонун ва биз». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 19.30 «Байрамингиз билан, севикли аёлларимиз». 19.35 «Хабар» агентлиги намойиш этади: Хар ишнинг уз вақти бор». 21.25 «Хабар» агентлиги намойиш этади: Хотин-қизлар байрамига бағишланган дастур. 22.00 «Олтин дала». Телемад. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот». 23.20 «Мусиқали саёҳат». Байрам концерт дастури.

ШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
10.15 «Пойингизга меҳрим поёндоз». Адабий театр.
10.50 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Бахт изловчи Ҳасан».
11.40 «Икки буюк тақдир». Амир Темур ва Бобур Мирзо. Адабий-маърифий кеча. 1-курсатув.
12.30 «Ухшаш чеҳралар».
13.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30—15.00 «Тараннум». Мусиқий дастур.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Ердамчилар». Мультфильм.
18.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
19.05 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Узбекистон — Ватаним маним!» Қушиқлар телетанлови.
21.25 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
22.05 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.40 «Компьютер-Осиё».
10.15 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
11.05 «Автосалон».
11.25 «Сизнинг услуб».
11.40 «Юлдузли механика».
12.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 — 15.10 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий курсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чуққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кунгил». Дилшод Шамсиннинг муаллифлик курсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Чавандозлар байрами», «Этюд». Телефильмлар.
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
21.40 «Оқ ел ҳақида қисса». Бадиий фильм.
*
23.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 «Чанг соҳиби». Телефильм.

IV

10.00 «Том Сойер ва Гекельбери Финн саргузаштлари». Болалар учун фильм. 1-серия.
11.15 Эълонлар.
11.20 «Аёллар». Телеочерк.
11.50 «Узбекистон — умумий уйимиз».
12.30 — 13.00 «Театр учрашувлари». М. Горький номидаги Фарғона вилоят театри.
***
17.05 «Безнен мирас» (татар тилида).
17.40 «Азизам менинг...» Киноконцерт.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.20 «Кинематограф».

КозТД

7.55 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.00 Болалар учун фильм. 10.20 Матонат мактаби. 10.55 «Думбира достони». Телефильм. 11.55 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия. 13.15 «Алла Пугачева ва унинг оиласи». Мусиқий шоу. 14.45 «Козоктелефильм» намойиш этади... 15.15 «Мусиқали меҳмонхона»да Бойғади Дусимжонов. 16.00 «Мальборо-мотор». Теле-шоу. 16.20 «Тоглик». Телесериал. 17.10 «ПР» иши». 17.25 Телетелпон. 18.45 «Ютуқ» салони. 2-қисм. 19.15 «Хотира архиви». 21.10 «Хабар» агентлиги намойиш этади: «НЭП». 21.50 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 22.00 «Поезд Арабга йул олади». Видеофильм. 22.50 «Думбира». Телефильм. 23.20 «Мусиқали саёҳат».

ЯКШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
11.40 «Икки буюк тақдир». Амир Темур ва Бобур Мирзо. Адабий-маърифий кеча. 2-курсатув.
12.55 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.05 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.40—16.00 Туфон Миннуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
***
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Қудуқ». Мультфильм.
18.10 «Номинг дилимда, Ватан!» Болалар учун адабий композиция.
18.50 «Замон».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
20.00 «Саёҳатнома». Италия таассуротлари. 7-курсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
20.50 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.05 «Даллол». Бадиий фильм.
23.15 «Баҳор». Манзарали фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.30 Лирик концерт.

II

9.00 «Эртак».
9.20 «Муаллиф».
9.30 «Ривоят».
9.40 «Офарин».
10.10 «RAKS» таклим этади.
10.50 «Мафтункор чеҳралар».
11.15 «Таманно».
11.25 «Олам». Маърифий курсатув.
12.15 «Оҳанглар оғушида».
12.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
13.15 «Имкон чуққилари».
13.40 «Кунгил».
14.15 Видео янгиликлари.
14.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.55 Видео — «О».
16.35 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Илҳом сатрлари.
21.10 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30—00.10 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Кухна хунар усталари», «Амалий санъат ворислари». Телефильмлар.
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 22.50
22.50 «Дарахт қушиғи». Телефильм.
23.00 «Панорама».
23.25 Эълонлар.
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
23.50 «Тошкентга марҳамат!». Телефильм.

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли булсин!»
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг кучам...»
12.30 Эълонлар.
12.35 «Даврвок».
13.05 — 13.30 «Эсдалик учун дастхат».
17.10 «Мулоқот». Телевизион бадиий фильм.
17.40 «Францияга хуш келибсиз!»
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
20.55 «Бу ажиб дунё».
21.15 «Ташрифлар ва таклифлар».
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.40 — 00.10 «Кинематограф».

КозТД

7.05 «Хабар». Ахборот курсатуви. 7.55 Мультфильм. 8.10 «Тоглик». Телесериал. 9.30 «Алатау» намойиш этади. 10.00 «Сиҳат-саломатлик». 10.25 «Товушлар музейи». 10.55 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия. 12.45 Дина Нурпеисова таваллудининг 135 йиллигига. 13.05 «Аёл, оила, бола». 13.35 «Энши балапан» саҳифаларида. 14.00 «Замин соҳиби». 14.55 «Севги ишлари». Кенжағали Миржибоев. 15.35 Жамбул таваллудининг 150 йиллигига. Адабий курсатув. 16.00 «Соҳибжамол». Телесериал. 17.00 «Халқаро объектив». 17.20 «Имкон». Ёшлар учун курсатув. 17.30 «Футбол олами». 18.10 «Минус» дастури. 18.25 Композитор, хонанда Марат Илесов. 19.00 «Чорраха». Телесериал. 10-серия. 20.00 «Ҳафтанома». 21.20 «Йиллар ва хотиралар».

● Мурувват кунда керак

ҲОЖИ БУВАНИНГ САХОВАТИ

Ота-боболари касбини давом эттириб, халққа дилдан хизмат қилиб келаётган андижонлик таниқли косиб Неъматҳожи ота Абдуқаҳҳоров яна бир савобли ишга қўл урди. У вилоят марказидаги меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўн нафар болани оталигига олди. «Шу кундан бошлаб сизлар менинг набираларим қаторига қўшилдингиз, — деди уларни ардоқлаб. — Элга хизмат қилиб топганимнинг бир қисми бундан кейин сизларники бўлади». Ҳожи бува ана шу болаларнинг ҳар бири номига шаҳардаги халқ банкида алоҳида ҳисоб дафтарчаси очдирди.

● Назм

ИККИ ДУНЁ БЎЛМАЙДИ ХОР ЎЗБЕК ЭЛИМ

Юртимизнинг оҳулари, шерлари бор,
Оҳу кўзли қиз, шерсифат эрлари бор,
Қадоқли қўл, манглайида терлари бор,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Даласида иш бошланар тонги билан,
Ғурурлангум меҳнатсевар донғи билан,
Дунё илмин безагай ул онги билан,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Заминининг бағри тўла тилласи бор,
Омборига тўкиб қўйган пилласи бор,
Дону пахта етиштирса даласи бор,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Эрта баҳор не экса куз ҳосил олар,
Тийин топса боласига бино солар,
Бурда нонин минг дўсти-ла баҳам кўрар,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Қарори бир, тилаги бир, имони бут,
Дастурхондан аримайди барака-қут,
Кўнгли очиқ, виждони пок, мисоли сут,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Чингизхоннинг қиличини синдирган эл,
Ўз элатин дунё узра билдирган эл,
Бизга мерос Туркистонни қолдирган эл,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Ўз элини якта тилу, якта қалам,
Навоийси айлагандир чекиб алам.
Ўзбек дея билар уни бутун олам,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Мана бугун манглайига Ҳумо қўнди,
Қайта элнинг юрагида имон унди,
Эркин олган эл бошида қуёш кулди,
Икки дунё бўлмайди хор ўзбек элим.

Собир ОЛИМЖОН.

● Халқ ҳунармандчилиги

—Ўғилчамга шу бешикни олсаммикан?

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

● Ичкилик—иллат

ҲУЗУР, КАЙФ, ФОЖИА

Ривоят қилишларича, бир бодаҳўр табибдан: «Бир нарса айтингки, мен ароқдан абадий қайтай», — дебди.

— Бир ақлли, одобли кишини бадномус қилиш мақсадида қуйидагича тадбир ишлатилган экан, — деб сўз бошлабди табиб. — Ҳалиги одамни бир хотин харид мақсадида уйига таклиф қилибди. У ҳовлига кириш билан хотин эшикни маҳкам бекитибди. Сўнг жиддий туриб: «Ё мана бу ароқни ичинг, ёки бу гўдакни ўлдиринг, ё бўлмаса мен билан алоқада бўлинг. Агар йўқ десангиз, дод солиб одамларни йиғаман, шармандангизни чиқараман», — дебди. Ҳалиги одам, ноилож, осонгина деб ароқни ичибди. Сал ўтмай эсини йўқотиб, яна икки гуноҳга йўл қўйибди. Ҳамма балонинг боши ичкиликда, — деб сўзини тамом қилибди табиб.

Фаҳриддин Гургоний айтганидек:

Ақлни боғлагай май, кўзни уйқу.
Гуноҳни авф ювар, кир жомани сув.

Буни Умар Ҳайём ҳам тан олади:

Ҳушёр бўлсам мендан хурсандлик йироқ,
Маст бўлсам ақлимдан ажрайман бироқ.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Асосий иш жойидан бошқа ерда олинган даромадларга ва бошқа тўловларга солиқ солиш ва уни тўлаш тартиби қандай?

Х. САИДОВА,
Сурхондарё вилояти.

— Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 15 февралда қабул қилинган Қонунида, асосан қонуннинг 13-моддасида муфассал баён этилган. Унда айтилганидек, ўриндошлик юзасидан қилинган иш ва бир галлик иш учун олинадиган иш ҳақи ва асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа ерда олинган даромадлар ҳамда тўловлар миқдорида солиқ ушбу Қонун 8-моддасининг 1-бандидаги кўзда тутилган ставкаларга мувофиқ ушлаб қолинади.

Ўзининг асосий иш жойидан (хизмат, ўқиш) бошқа жойга ўриндошлик бўйича ишга киришда, шунингдек, пудрат шартномасига мувофиқ бир галлик ва бошқа ишларни амалга оширишда (бир марта ҳақ тўланадиган, узоғи билан беш кунга чўзиладиган қисқа вақтли бир галлик ишлар, бундай ишлар календарь йилда нечта бўлишидан қатъий назар) фуқаролар асосий иш жойи (хизмати, ўқиши) ҳақида маълумотнома тақдим этишга мажбурдирлар.

Асосий иш жойи (хизмати, ўқиши) ўзгарган тақдирда, фуқаролар бир ой муддат ичида ўриндошлик бўйича ишлаётган ёки пудрат шартномасига мувофиқ бошқа ишлар бажараётган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига асосий иш жойининг ўзгарганлиги тўғрисида маълумот тақдим этишга мажбурдирлар.

Асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа ерда ўриндошлик бўйича қилинган иш, пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган бир галлик ва бошқа ишлар учун тўланадиган пулнинг жами миқдори ва шу тўловларда ушлаб қолинадиган солиқ миқдори ҳақида шу пулни тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар келгуси йилнинг 1 февралидан кечиктирмай даромад олувчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойига хабар қилиши лозим. Шундай маълумот олингач, асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерия ўтган йил учун асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан олган ва асосий бўлмаган иш жойидан олган умумий иш ҳақининг йиғиндисини ҳисобга олиб, ушбу қонуннинг 8-моддасида кўзда тутилган ставкага биноан солиқни қайта ҳисоблаб чиқиши керак.

Қайта ҳисоб-китоб натижаларига кўра фуқародан қўшимча ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси ундириб олинади ёки ортиқча ушлаб қолинган пул унга қайтариб берилади. Қўшимча ҳисоблаб чиқилган солиқни ҳисоблаб олиш уч ой мобайнида амалга оширилади, ортиқча ушлаб қолинган солиқ суммаси эса икки ой мобайнида қайтариб берилади.

● Хотира

АРМОНЛИ ДУНЁ

Бу воқеа бир неча йил муқаддам юз берган эди. Қиш оқшоми. Танчада кўрпага ўралганча ётибман. Ташқарида паға-паға қор ёғмоқда. Негадир шу оқшом алла маҳалгача уйқум келмай ётдим. Тонг саҳарга яқин кўзим илинибди-ю ухлаб қолибман. Тушимда Ўсарбой тоғам билан суҳбатлашиб ўтирган эмишман. У менга қараб дермиш: «Сен билан кўришолмай қолдик, жиян, лекин билиб қўй, халқим, эл-юртим олдида виждоним тоза, менинг асло гуноҳим йўқ. Ўша уйинг куйгур Гдлян ва Ивановлар менга не-не туҳматлар ёғдиришиб, қанча балоларга гирифтор қилмадилар! Энди халқим учун ишлайман, бола чақамни уйли-жойли қиламан деганимда туҳмат балосига учраб, қамоқхонанинг зах камерасида кўп азоб чекдим... Жиян, ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам уқиб олгин. Бу дунёда энг ёмони туҳмат балоси экан...

Шундай дерди-ю Усарбой тоғам юм-юм йиғларди.

«— Тоғажон, йиғламанг, — дермишман мен, — мана, сиз барпо қилган боғ ҳам ҳосилга кирди. Сизнинг яхши ишларингизни фарзандларингиз, камолга етказган ўнлаб шогирдларингиз давом эттирмоқдалар. Шу боис ҳам сиз ҳамиша тириксиз!

— Ҳа, жиян, — дермиш тоғам. Ҳақиқат эгиларкан, букиларкан, аммо синмас экан. Эшитдим, мени ҳам оқлашибди. Аммо ҳамон юрагимни бир армон ўртайди. Биласан, мен халқим деб, юртим деб тер тўкиб ишладим. Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигига бир неча йиллар раислик қилдим. Хўжаликнинг юксалишига озми-кўпми ҳисса қўшдим. Яширмайман, Шароф ака Рашидов билан яқиндан дўстлашганман. У мен раислик қилган жамоа хўжалигига тез-тез келиб турарди. Москвадан келган терговчи жаллодлар эса ким Шароф Рашидов билан яқин бўлган бўлса, ўшаларни қамоққа ола бошладилар...».

— Болам, тур ўрнингдан. Мактабингга кеч қоласан, — деган овоздан уйғониб кетдим. Кўзимни очсам, онам бошимга келиб уйғотаётган экан. Ўрнимдан туриб, муздеккина анҳор сувида юз-қўлимни ювдим-да, дорда осиғлиқ турган оппоқ сочиққа артиндим.

...Орадан йиллар ўтса-да, ўша оқшом кўрган тушим тез-тез хаёлимда жонланаверади. Содда ва оддий инсон, Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номидаги жамоа хўжалигининг собиқ раиси, пахта ишининг ноҳақ қурбони бўлган раҳматли тоғам Усар Жўраевнинг сиймоси кўз ўнгимдан асло кетмайди...

* * *

Охири бир кун улғайиб, йигитлик бурчини бажаргани ҳарбийга жўнайдиган бўлиб қолдим. Ота-онам қариндош-уруғларни тўплаб ош бердилар. Кечки пайтга яқин Усарбой тоғам ҳам етиб келди.

— Эртага хизматга жўнаркансан-да?, — сўради у елкамга қўл ташлаб. — Майли, жиян, бориб, бурчингни бажариб кел. Лекин мендан хафа бўлма. Кузатиб қўя олмайман. Пахта иши деган бир бало пайдо бўлган. Ҳаммани текшир-текшир қилиб, элакдан ўтказяптилар. Эртага мени ҳам сўроққа чақиришган...

Шундай қилиб, армияга кетдим. Рига шаҳрида бир неча ой хизмат қилганимдан сўнг, дадамдан хат олдим. Негадир юрагим уюшган ҳолда конвертни очдим.

«Ўғлим, Усарбой тоғангдан ажралиб қолдик, — деб ёзган эди дадам, — бир ой бўлди тупроққа қўйганимизга. Сени хизматга кузатган кунимиз Усарбой тоғангни қамоққа олдилар. Тоғангга не-не туҳматлар қўйишмади! У бўлса ҳар сўзида «Менинг гуноҳим йўқ, халқим ва элим олдида виждоним тоза» деб такрорлайверибди. Бироқ, терговчи ниқобидаги жаллодлар уни аямай қийноққа солишибди, калтаклашибди. Зах камерага ташлашибди. Тоғанг билан бирга ишлаган таниш дўсти у билан бир камерада ётган экан. Ўша шеригига дебди: «Дўстим, менинг ажалим етганга ўхшайди. Мабодо ёруғликка чиқиш насиб этмаса, сендан илтимос, уйимдагиларга, қариндош-уруғ, дўст-биродарларимга «Усарбойнинг халқ олдида ҳеч ҳам юзи шувут бўлган жойи йўқ» деб айтиб қўйгин, дея тайинлабди. Қамоқхонада ўша дўстининг қўлида жон берибди.

...Бу дунёни армонли дунё дейдилар. Ҳақ гап экан. Усарбой тоғам ва унга ўхшаган қанчадан-қанча фидойи инсонларнинг тақдири ҳақида ўйлар эканман, бир уй юрак-юрагимни эзади: «Аттанг-аттанг, ўшандай кишилар мана шундай ёруғ кунларга етиб келолмадилар. Шу қутлуғ истиқлолимизни ўз кўзлари билан кўра олмадилар. Уларнинг ёниб ишлайдиган кунлари мана энди етиб келган эди.

Ҳар бир яхши инсондан ёруғ из қоларкан. Усарбой тоғамдан ҳам худди мана шундай чароғон из қолди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Дугоналар сирлашар,
Сирли-сирли имлашиб,
Баҳорги жилғалардай
Қиқирлашар қувнашиб.

БИЛИМДОНЛАР ТАНЛОВИ

Чуст шаҳар ҳокимлиги мактаб ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари ўртасида она ўлка тарихини билиш бўйича кўрик-танлов эълон қилди. Ўқувчиларга бу борада жорий ўқув йилида шаҳарнинг барча мактабларида ўргатилаётган Чуст тарихи бўйича олган билимлари қўл келади.

Танлов ташкилотчиларининг асосий мақсади — иқтидорли болаларни аниқлаб, уларни халқимизнинг буюк ўтмишига қизиқтиришдан иборат. Танлов якунлари Наврўз арафасида эълон қилинади. Ҳозир ғолибларга жами 100 минг сўмлик совғалар тайёрлаб қўйилган.

● Акс-садо

НОМУС БЕБАҲОДИР

Севимли газетамиз «Адолат»нинг шу йил 27 январь сонида босилган «Номуснинг нархи неча пул?» сарлавҳали мақолани ўқиб, ўйга толдим. Унда бизнинг орамиздаги баъзи енгил хулқли қизлар ёш туриб, нопок йўлга кириб кетаётганликлари ҳақида куюниб ҳикоя қилинибди.

Мақолада давримизнинг энг долзарб муаммоси ўз аксини топган. Тўғри, ҳозир ҳаммага ҳам осон эмас, қийинчиликлар талайгина. Лекин бу ҳаётнинг биринчи зарбасига дуч келиш биланоқ дарҳол таслим бўлиш, унинг гирдобига, ифлос пуртанасига шўнғиб кетиш учун асос бўлолмайди-ку!

Мақолани ўқидиму ноғоҳ яқинда «Ўзбекфильм» киношунослари томонидан яратилган «Гуноҳ» фильмини эсладим. Фильм қаҳрамони қишлоқдан шаҳарга ўқиш учун келган ёшгина қизча, у маънан бузуқ кимсалар даврасига тушиб қолади ва ёмон йўлга кириб кетади. Кайфу сафони деб фарзандидан ҳам воз кечади. Охир-оқибатда эса бахтсизликка рўбару бўлади.

Ана шу фильмни томоша қилар эканман «Гуноҳ»нинг қаҳрамонини бошқа бир фильм қаҳрамонига таққосладим. «Москва кўз ёшларига ишонмайди» киносини бир эслаб кўринг. Унда ҳам қишлоқдан шаҳарга ўқиш учун келиб, институтга киролмаган қиз ҳақида гап кетади. Бу қиз қаттиқ адашади. Ялтираган ҳамма нарса ҳам олтин бўлавермаслигини билмайди у. Қўлида боласи билан қолади. Лекин ҳамма шарт-шароитлари шунга етакласа-да у бузуқчилик йўлига кириб кетмайди. Ўз бахтини меҳнатдан излайди ва охири топади ҳам. Тиришқоқлик, тинимсиз меҳнат зинапоялари уни катта комбинатнинг Бош директори лавозимидек шоҳсупага олиб чиқади.

Мен яқинда Ангрен педагогика институтининг математика-ахборот факультетини тугалладим. Ҳозир мактабда ишламоқдаман. Дарсларимда, энг аввало, ҳар бир ўқувчимга нархи-баҳоси умуман бўлмайдиган, ҳар қанча олтину заргa сотилмайдиган номусни ёшликдан сақлаш борасида тарбия беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Номус — тенги йўқ хазина. Шу нарсани асло унутмаслигимиз керак.

Зулфия НОРМАТОВА,
Ангрен шаҳри.

● Аҳолига қулайлик

ЯНГИ НОН ЗАВОДИ

Келес шаҳри аҳолиси қурувчилардан ажойиб туҳфа олди. Туман марказида ҳар кеча-кундузда 10 тонна хуштаъм маҳсулот тайёрлайдиган нон заводи фойдаланишга топширилди. Туркиядан келтириб ўрнатилган «Экмосан» печлари ёрдамида шаҳарликларга 20 турда иссиқ нон етказиб берила бошлади.

БУЮРТМА АСОСИДА

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги акционерлик жамияти магазинларида аҳолидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига буюртма олиш ташкил қилинди.

Буюртмачи маҳсулот қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлайди. Қолган қисми маҳсулотни олиш чоғида тўланади. Бу янгилик одамларни зарур моллар билан мунтазам таъминлаб туриш ва вақтни тежаш имконини бермоқда.

● Суд залидан

БОҒОТДАГИ ҚОТИЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Хоразм вилоят судининг Ихтиёр Қиличевга нисбатан чиқарган ҳукмини ўз кучида қолдирди. Ҳукм эса олий жазо эди...

Хўш, ҳали йигирма беш ёшга ҳам тўлмаган, ҳаёт остонасига энди қадам қўяётган йигит нега жувонмарг бўлди? Нега унинг ота-онаси бўзлаб қолди? Келинг, Хоразмнинг Боғот туманида рўй берган бу фожеа тафсилотлари ичига чуқурроқ кириб борайлик. Зора, ушбу мақоламиз кимларгадир сабоқ бўлса, кимларнидир тўғри йўлга чорласа.

...Воқеа бундан 2-3 йил аввал юз берганди. Одамлар Авазбиби момонинг кўча эшиги ҳар куни саҳарлаб очилишига, қўғирчоқ каби чиройли ёшгина қизлар навбатма-навбат эшик атрофини ёғ томса ялагудек қилиб супуриб-сидиришларига кўникиб қолган эдилар. Лекин ўша машъум тонгда эшик алламаҳалгача очилмади. Момонинг қизлари кўча атрофини супургани чиқмадилар. Шунинг учун ҳам ўтган-кетганлар уй томон қарашар, кун ёйилиб кетган бўлишига қарамай ҳаммаёқ жимжитлигига ҳайрон бўлишарди. Тинчликмикан? Ё момо фарзандларини олиб узоқроқдаги қариндошлариникига кетдимикан?

Авазбиби момо икки қизу бир ўғилни ўз тарбиясига олиб, уларга ўз онасидан ҳам зиёд меҳрибонлик кўрсатарди. Қизларнинг каттаси вояга етай деб қолганди. Одамлар орасида момонинг бошқа туманда яшовчи қариндоши анчагина тилла буюмларини, енгил машинасини унга мерос қилиб қолдирганлиги ҳақида ҳам миш-миш юрарди. Момо бировга яхшилик қилса қилардики, ёмонликни билмайдиган аёллардан эди.

Ниҳоят қуёш икки терак бўйи кўтарилиб, болалар мактабга кетиб бўлганларида момонинг кўча эшиги аста очилди ва ичкаридан... қонга беланган Мардонбек — момонинг кенжаси гандираклаганича чиқиб келди.

— Онам, опаларим уйқудан туришмаяпти. Ҳаммаёқ қон, — дея олди у зўрга ҳол-аҳвол сўраган ҳамқишлоқларига.

Момонинг хонадонида бир кор-ҳол юз берганини сезган одамлар уйга чопиб киришди. Киришди-ю, юз берган даҳшатни кўриб, тошдек қотиб қолишди. Катта уйда Авазбиби момо ва унинг икки қизи ўлиб ётишар, ҳамма нарсалар остин-устун қилиб юборилганди...

Бу машъум хабар бир зумда ҳамаёққа тарқалди. Жиноят қидирув ходимлари зудлик билан жиноятчиларнинг изига тушишди.

Экспертизада қизлар аввал зўрланганлиги, сўнгра ўлдирилганлиги аниқланди. Уйдан бир қанча қимматбаҳо буюмлар, шу жумладан магнитофон ўғирлаб олиб чиқиб кетилган, тилла буюмлардан ному нишон йўқ эди.

Маълумки, содир этилган ҳар бир жиноят из қолдирмай қўймайди. Жиноятни очишда айнан шу излар катта аҳамиятга эга. Гап фақат уларни вақтида пайқаб олишда. Орадан кўп ўтмай бу излар шу қишлоқлик Ихтиёр Қиличев хонадонига олиб келди. У ҳибсга олинди. Сўнг жиноятни ўз шериги билан бирга содир этганлигига иқрор бўлди. Қиличевнинг кўргазмалари ашёвий далиллар билан тасдиқланди.

Хўш, қотил ким эди?

Ихтиёр Қиличев 1972 йилда туғилган, уйланмаган, ҳеч қаерда ишламасди. Унинг «орзу»лари чексиз эдию, лекин ҳалол меҳнат қилишга бўйни ёр бермасди. Шунинг учун ҳам у эртаклардагидек. тўсатдан катта хазина топиб олиш, беҳисоб бойлик эгаси бўлишни ният қиларди. Лекин ҳаёт эртак эмас, инсон ўз тақдирини пешона тери билан яратиши керак. Бўлғуси қотил ишламаганлиги учун, яна бошқа сабаблар туфайли ўз отаси билан келиша олмас, тез-тез аразлаб уйдан чиқиб кетар, бирон-бир жойдан мўмай пул топишни режалаштириб юрар эди.

Ана шундай кунларнинг бирида икки нафар ёш қизи ва бир асранди ўғли билан яшайдиган Авазбиби момонинг уйида қимматбаҳо буюмлар борлигини эшитдию, фикри бузилди. Босқинчилик йўли билан бу хонадондаги бойликларни эгаллаб олишга тайёргарлик кўра бошлади. Шу мақсадда темир арматурани ёйсимон қилиб эгиб, қотиллик қуроли ясади. Авазбиби момонинг уйига нарвон қўйиб кириб борди.

Шовқин-суронидан уйғониб кетган момо уни таниб қолгач эса, аёлнинг бошига арматура билан туширди. Ўша тунда энди 17 ёшга тўлган Султонпошша ва 12 ёшли Кумушнинг бошига тушган азоб-уқубатларни сўзлаб беришга қалам ожизлик қилади...

Бир пайт уйғониб, атрофга ҳайрон бўлиб қараган ўн ёшли Мардонбекнинг бошига ҳам қотилнинг арматураси зарб билан урилади ва у ҳам ҳушидан кетади. Уни ўлди деб ўйлаган И. Қиличев уй эгаларининг пулларини, шунингдек кўпгина қимматбаҳо буюмларини олиб чиқиб кетади.

И. Қиличев тергов жараёнида жиноят қуроли бўлмиш темир арматурани яшириб қўйган жойидан ўзи олиб берди. Судда ҳам жиноятига батамом иқрор бўлди. Суд уни олий жазога маҳкум этгач эса, ўлим талвасаси остида қилган жиноятларини инкор этиш йўлига ўтди. Лекин рад этиб бўлмайдиган далиллар, замонавий техника хулосалари унинг жиноятини батамом исботлаб, бўйнига қўйди.

Ниҳоят адолат қарор топди. Бир хонадондан бир куннинг ўзида учта жасад чиқишига сабабчи бўлган қотил ўз жазосини олди. Бу сўзлаб берганларимиз ҳаромхўрлик, очкўзлик, ўғрилик пировардида қандай даҳшатли фожеага олиб келишига яққол мисол бўлиб хизмат қилса керак, деб ўйлашга ҳаққимиз бор.

Анвар АЛЛАБЕРГЕНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти Жиноят ҳуқуқи кафедрасининг доценти.

● Спорт ● Футбол ● Спорт

МАСЪУЛИЯТЛИ УЧРАШУВЛАР ОЛДИДАН

ёки жаҳон чемпионати ва Осиё кубоги саралаш баҳсларига ким, қандай тайёрланмоқда?

Бу йил Ўзбекистон миллий терма жамоаси олдида масъулиятли футбол учрашувлари турибди. Терма жамоамиз апрель ойидан бошлаб футболимиз тарихида биринчи марта Осиё Кубоги учун баҳсларга киришади. Кузда Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатида ўтказиладиган финал учрашувларида қатнашиш учун терма жамоамиз 8 — гуруҳ саралаш баҳсларида Баҳрайн ва Тожикистон терма жамоаларидан устун келиши керак.

Шундан сўнг терма жамоамиз 1998 йили Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларига киришади. Осиё қитъасидан Францияга бериладиган уч йўлланмадан бирига эгалик қилиш учун футболчиларимиз дастлабки босқичда Яман, Комбоджа, Индонезия терма жамоаларига қарши тўп сурадилар. Ана шу масъулиятларни ҳис қилган терма жамоамиз раҳбарияти бу учрашувларга тайёргарликни қиш чилласиданоқ бошлашди. Дастлабки йиғинда терма жамоамиз МҲСК ва Алматининг «Қайрат» жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ҳарбийчилар билан учрашувда дуранг натижа (2:2) қайд этилган бўлса, қозоғистонликлар билан ўйинда футболчиларимиз 3:0 ҳисобида зафар қозонишди. Шундан сўнг терма жамоамиз мураббийси Александр Иванков бошчилигида Хитойга жўнаб кетди. Бу ерда ҳамюртларимиз иккита ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Дастлабки учрашувда футболчиларимиз Хитой олимпия терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Терма жамоамизнинг саралаш баҳсларига тайёргарлиги шу билан тугамайди. Жамоамизнинг Хитой сафаридан сўнг Саудия Арабистонига бориши ҳам режалаштирилган.

Хўш, бизнинг бўлғуси рақибларимиз муҳим учрашувларга қандай тайёрланишмоқда? Су-

шти маълумотларга қараганда, Осиё кубоги учун саралаш баҳсларида Тожикистон терма жамоаси ҳамюртларимизга жиддий рақиб бўладиган кўринади. Чунки мухлисларга собиқ СССР чемпионатидан яхши маълум бўлган Валерий Саричев (ҳозир Кореяда тўп суряпти), Олег Малюков (айни дамда Исроил чемпионатида қатнашяпти), Андрей Мананников (Россияда) ва Олег Ширинбеков, Ҳаким Фузайлов, Анатолий Воловоденко, Юрий Батуренко каби турли хорижий клубларда тўп сураётган футболчилар Тожикистон терма командаси сафида майдонга чиқишга ҳохиш билдиришган.

Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш баҳсларидаги рақибларига келадиган бўлсак. Индонезия ва Комбоджа терма жамоалари яқинда Тайландда ўтказилган Шарқий Осиё мамлакатлари турнирида қатнашишди. Индонезия тўрт учрашувдан 6 очко тўплаб, учинчи ўринни эгаллаган бўлса, Комбоджа барча учрашувларда мағлубиятга учради. Терма жамоамизнинг учинчи рақиби Яман эса Осиё кубоги учун 9—гуруҳ саралаш баҳсларида қатнашди. Яман фақат Қирғизистон терма жамоасини мағлубиятга учратди, қолган учрашувларни бой берди ва охирги ўриндан жой олди. Ушбу гуруҳ баҳсларида барча учрашувларда ғалаба қозонган Саудия Арабистони терма жамоаси Осиё кубогининг финал учрашувларига йўлланмани қўлга киритди. Шундай қилиб Осиё кубогининг финалида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамоалар тўрттага етди. Булар БАА (майдон эгаси), Япония (сўнгги Осиё кубоги соҳиби), Хитой (2-саралаш гуруҳи ғолиби) ва Саудия Арабистони терма жамоаларидир. Ўзбекистон терма жамоаси 12 финалчи орасидан жой олиш учун Баҳрайн ва Тожикистон терма жамоаларини 8-саралаш гуруҳида доғда қолдириши керак. Гуруҳ беллашувлари қуйидагича тартибда ўтказилади.

14 апрель. Ўзбекистон — Баҳрайн.

17 апрель. Тожикистон — Баҳрайн.

8 май. Тожикистон — Ўзбекистон.

26 май. Баҳрайн — Ўзбекистон.

31 май. Баҳрайн — Тожикистон.

19 июнь. Ўзбекистон — Тожикистон.

Расул ЖУМАЕВ,
«Адолат»нинг спорт шарҳловчиси.

Адолат
Adolat عدل justice
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ.

Таҳрир ҳайъати: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Абдурафиқ АҲАДОВ, Чоржау АБДИРОВ, Алижон ЮСУПОВ, Баҳодир УМИРЗОҚОВ, Жўра ЙЎЛДОШЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунбой МАДИЁРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Шуҳратжон АЛИМАТОВ.

Телефонлар:
Қабулхона — 33-41-89, 36-55-70
Котибият — 36-57-93
Бўлимлар — 36-56-71
Реклама ва эълонлар — 36-58-44.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140.
Газета офсет усулида, А-2 форматда чоп этилди.
Буюртма Г— 0164.
7495 нусхада.

Навбатчи муҳаррир — О. АБДУАЗИМОВ. Навбатчи — Ҳ. ҚОДИРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент ГСП Матбуотчилар кўчаси 19.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.